

HUQUQ

26

(393)

YURIDIK GAZETA

Iyun

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йул жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига ҳар чорақда тўланиши бўлган бўлисин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинмаган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортилганидан база акциз солиғи суммасига қамайтирилган тартиб ўрнатилсин.

3. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш мuddатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомда тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача: ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетти ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, тўлаш ҳамда уни давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш мuddатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилансин: илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади; ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой мuddатда «Солиқ маслаҳатчилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий хизматдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 20 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармониغا илова

МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ СТАВКАЛАРИ

Тўловчилар

Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фозис ҳисобида

1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2-4 бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно.	13
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно.	6
3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар.	30
4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар	50

Эслатмалар:

- Харид, таъминлаш-сотиш корхоналарига, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.
- Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)га нисбатан фозис ҳисобида белгиланади.

Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди?

Мана шу заҳматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу юрт фарзандларининг ёғур келажаги, бахту саодати учун. Шу табарруқ тупроқ, шу муқаддас Ватан учун.

Президент Ислам КАРИМОВнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидан.



«Йилнинг энг фаол журналисти – 2004» таъломи ғолибларидан бир гуруҳи

MUNOSABAT

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР

Илгари оддий наугурти ишлаб чиқариши орзу қилган тадбиркорлар бугун йирки-йирки корхоналарнинг эгасига айланди. Бунистиклот тўғрисида. Мамлакатимизда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ривожланиши учун қўлай шароит яратилган. Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлар доирасида истиқболни кўзлаб меҳнат қилаётган жамоалар иш қўламини янада кенгайтириб, иқтисодий салоҳиятини ошириб боришмоқда. Мамлакатимиз президентининг 14 июнда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янада ривожлантириш сари қўйилган муҳим қадамдир. Унга кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилади. Бундан тадбиркорларнинг фаолиятини текширишни тартибга солиш, шу билан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш на-

зарда тутилаяпти. Бу чоралар содда ва тушунарли тарзда баён этилган.

Фармонда назорат органларининг ваколат доирасидан ташқари масалалар бўйича текширув ўтказганилиги учун шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган. Назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган ҳар қандай ходимни энди қонун асосида қатъий жавобгарликка тортилади. Энг муҳими, тадбиркорга етказилган зарар суд қарори асосида бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қoplanadi. Шу билан бирга, тегишли вазирлик ва ташкилотларга «Ҳақамал суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва парламентнинг қонунчилик палатасига тақдим этиш вазифаси ҳам юклатилган. Лойиҳада тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмаларининг ўзлари ҳақамал судини ташкил этишлари масаласи ўз аҳсини топади.

Прокуратура органларига ҳам фармон ижросини таъминлаш бораида кенг

қўламли вазифалар юклатилган. Унга кўра назорат органлари мансабдорлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузганлиги учун жазо муқаррарлигини таъминлаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат қўчайтирилади.

Шунингдек, фармонда Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорларнинг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун руҳсат олиш тартибини соддалаштириш, жумладан мuddатли чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш тизимини жорий этиш бораидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Умуман, юртинг келажагини кўзлаб қилинган ҳар қандай хайрли иш эртага мевасини бермай қолмайди.

Худойберди НОҲОБИЛОВ,
Республика Бош прокуратура бoshқари прокурори

XABAR

ДОЛЗАРБ МУАММОГА БАҒИШЛАНДИ

24 апрел куни Тошкент шаҳар прокуратурасида Республика Бош прокуратурасининг Қонунчилик ишлари бўлими билан биргаликда «Гийҳандўзлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан тергов ва суд амалиёти» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Бош прокуратура, Олий суд, Адлия, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

Анжумани Тошкент шаҳар прокурори Б.Валиев бошқариб борди.

Бош прокуратуранинг Қонунчилик ишлари бўлими билан биргаликда «Гийҳандўзлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан тергов ва суд амалиёти» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Бош прокуратура, Олий суд, Адлия, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

Семинарда гийҳандўзликка қарши курашга қаратилган қонунчиликка оид тавсиялар билдирилди.

TAQDIMOT

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида «Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида» доимий республика илмий-амалий семинарининг йиғилиши бўлиб ўтди.

«ОАВни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида ўтказилган ушбу анжуманда ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш тўғрисида фикр алмашилди.

Йиғилишда илмий ва ижодий жамоатчилик билан ҳамкорликда тайёрланган «Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида» номили китобнинг дастлабки вариантти ҳам муҳоама қилинди. Президентнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги нутқининг ҳар бир бандига жаҳон тажрибаси ва республикамизнинг иштирок йилларидаги ютуқлари асосида ҳарқ берилган ушбу китобни янада такомиллаштиришга келишиб «ёқиди».

PROKUROR PROTESTI BILAN

Хар қандай ота-онанинг энг улуг ниятларидан бири — фарзандини соғ-саломат воёга етказиш ва уйли-жойли қилишдир. Фарзандларига меҳр-оқибат, одабийлик сабогини бериш ҳам ота-онанинг вазифасига қиради. Ота-она ўғитини олганлар бор, олмаганлар бор.

плат бошқа томоннинг манфаатига гулур етказилган. Бошқача айтганда, медалнинг орқа тарафига ўша пайти ҳеч ким эътибор қилмаган. Бу билан бошқа меросхўр борлигидан умуман хабари бўлмаган ва ҳалол меҳнати эвазига сотиб олган уй-жойи тартиб олинган А.Садриевнинг қонуний ҳуқуқлари поймол этилган.

А.Садриев суд қарорини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги ариза билан Сирдарё вилоят кассацион судлов ҳайъатига мурожаат этади.

Қолаверса, ака-сингиллар уларни меросхўр деб топиш ва улушларини тақсимлаш тўғрисида даъво қилмаган бўлишига қарамай, суд уларни низоли уйга улушли меросхўр деб топиб, қонуннинг бузилишига йўл қўйган. Бундан ташқари, суд низоли уйга оид олди-сотди битимини ҳақиқий эмас деб топган бўлса-да, тарафларнинг ҳар бирига битим бўйича олган нарсасини қайтариб бериш ва уларни олдинги ҳолатга келтириш масаласини муҳокама қилмасдан ФПКнинг 114-моддаси

кўчириш суд тартибиди ҳал қилиниши ва мазкур тоифадаги ишлар кўрилишида низоли уйда яшовчи воёга етган барча шахслар ишга жалб қилиниши лозим.

Суднинг муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахсларни жалб этмаган ҳолда қабул қилинган қарор ёки ажрим ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ бекор қилинади.

Ана шу асосларга кўра Бош про-

PROKUROR YORDAM BERDI

Хуқуқлари тикланди

«Биз ишлаётган «Сувоқова» корхонасидаги ишчилар оилаб иш ҳақларини ололмай юришибди. 2004 йилнинг сентябридан нояб-ригача касалик варақасига чиқишимга тўғри келган эди. Пулларни олгани борсам, раҳбарларимиз гапимизни ашиттиси ҳам келмади. Биз энди нима қиламиз?..»

Вобект шаҳридаги Пахтакор кўчаси 66-уйда яшовчи фуқаро Ш.Сайфутдиновнинг туман прокуратураси қабулхонасида зорланиб айтётган бу сўзларини тинглаш ҳақиқатан ҳам оғир.

Мурожаат юзасидан ўтказилган текширувда, «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилардан 6 млн. 670 минг сўмлик иш ҳақи қараи борлиги аниқланди.

Туман прокуратураси фуқароларнинг манфаатларини қўлаб, иш ҳақини қорхона ҳисобидан ундириб бериш тўғрисида Ёлдузев туманлараро судига даъво аризасини киритди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилди.

Бу борада тумандаги ширкат ҳўжалиқларида ҳам иш қўнғилда-гидек деб бўлимади. «Х.Қамолов» номли ширкат ҳўжалиғи аъзоларининг 2004 йил давомида ҳисобланган иш ҳақлари берилган бўлса-да, 673 нафар ҳўжалиқ аъзосининг 25.409.530 сўмлик қўшимча ҳисобланган иш ҳақи ва нафақа пуллари тўланмасдан қелинаётгани маълум бўлди.

Туман прокуратураси аралаш-гач, ишчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

М.БЕКМУРДОВ, Вобект туман прокурори

Можаронинг олдини олса бўладими?

Гулистон Шайхона Камолова акаси Зоҳид содир этган жинояти учун беш йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазо ўтаётган даврида она-сидан қолган уйга бошқа меросхўр йўқлиғи ҳақидаги ҳужжатларни нота-риал идорага тақдим қилиб, уйни сотиб юборади. У ўзига алоҳида уй сотиб олиб, ҳеч нарса бўлмагандек яшай бошлади. Бирок Зоҳид Камолов жазони ўтаб чиққач, онасидан қолган уй сотиб юборилгани ва бу уйда энди бошқалар яшаётганидан хабар топгач, синглисини судга бериб, ўзига тегишли лозим бўлган ҳақни ундириб олишга қарор қилади.

Унинг мурожаати 2004 йилнинг 19 мартда фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро суди-да кўриб чиқилиб, қонуний мерос-хўрнинг ихтиёрисиз амалга оширилган олди-сотди шартномаси ҳамда Ш.Қамоловага берилган мерос гувоҳномаси бекор қилинади. Уй-жойни сотиб олган А.Садри-ев эса оила аъзолари билан бирга кўчирилади. Бир қарашда адолат қарор топгандек кўринса-да, бу би-

Бирок, ҳайъат унинг даъвосини қаноатлантиришни лозим топмайди. Шундан сўнг А.Садриев прокурату-рага мурожаат этади. Иш ҳужжат-лари Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам дастлабки ва кейин-ги суд инстанцияларида бир қатор процессуал хатоларга йўл қўйилган аниқланади. Жумладан, суд иш юзасидан қарор қабул қилишда З.Қамолов низоли уйга қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эгаллигини ва мазкур уйда унинг улуши борлигини кўрсатиб, синглиси Ш.Қамолова номига бе-рилган мерос гувоҳномасини қис-ман бекор қилиш лозимлигини тил-га олган бўлса-да, лекин ФПКнинг 206-моддаси ва Олий суд пленуми-нинг «Ҳал қилув қарори ҳақида»ги (1998.14.04.) қарорига зид равишда бу бўйича қарор қабул қилмаган.

талабини бузган. Яъни, мазкур мо-да талабига кўра, битим ҳақиқий эмас деб топилганидан сўнг тараф-ларнинг ҳар бирига олиши лозим бўлган нарса аслича — ака-сингли З.Қамолов ва Ш.Қамоловаларга мерос мулки, низоли уй-жойдан чи-ғи суд инстанцияларида бир қатор процессуал хатоларга йўл қўйилган аниқланади. Жумладан, суд иш юзасидан қарор қабул қилишда З.Қамолов низоли уйга қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эгаллигини ва мазкур уйда унинг улуши борлигини кўрсатиб, синглиси Ш.Қамолова номига бе-рилган мерос гувоҳномасини қис-ман бекор қилиш лозимлигини тил-га олган бўлса-да, лекин ФПКнинг 206-моддаси ва Олий суд пленуми-нинг «Ҳал қилув қарори ҳақида»ги (1998.14.04.) қарорига зид равишда бу бўйича қарор қабул қилмаган.

Энг кизиги шукки, А.Садриев суд жараёнига умуман жалб этилма-ган. Бу билан суд Олий суд пленуми-нинг 2001 йил 14 сентябрдаги «Уй-жой низолири бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 5-банди та-лабига хилоф иш тутган. Унда айти-лишича, мулкдор, унинг оила аъзо-лари, ижарачи ва унинг оила аъзо-лари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар, уйга кир-тиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан

қуратура томонидан Олий суднинг судлов ҳайъатига нозорат тарти-биди киритилган протест қаноат-лантирилиб, ноқонуний суд қарор-лари бекор қилинди.

Ишчи фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судида ян-гидан кўриш жараёнида даъвогар З.Қамолов судга ариза билан му-рожаат этиб, мерос уйдан ўз улу-шини пул тариқасида олганини ва даъводан воз кечишини билдира-ди. Суднинг мурожаатини инобат-га олиб, иш юртишини тутатиш тўғрисида ажрим қилади.

Ҳақиқат қарор топди. А.Садри-ев оиласи билан уйга қайтди. Бирок... Ака-сингли ўртасидаги меҳр-оқибатга дарз кетмаганида ушбу ноқуш ҳолат келиб чиқмасди...

Н.КАРИМОВ, Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари



Республика Бош прокуратураси халқаро-ҳуқуқий бўлим катта прокурори Х.Бўриев (ўртада), прокурор-лар Х.Мирсоатов ва Қ.Саъдуллаевлар. А.Тўраев олган сурат.

FARMON VA IJRO ФАРМОН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАБ...

«Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганли-гининг ўн икки йиллиғи муносабати билан амнистия тўғрисида»ги президент фармони белгиланган уч ой муддатда 46 мингдан ошиб шахсга нисбатан татбиқ қилинди. Шундан салкам 30 минг нафари жиноий жазодан ҳамда жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 16 мингдан кўпроқ маҳкумга тайинланган жазо муддати тегишли тартибда қисқарти-рилди.

дасига кўра эҳтиётсизлик оқибати-да, шунингдек, биринчи марта иж-тимой ҳавфи катта ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс-лар жазодан озод этилиши қайд этилган.

ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан судланган М.Қалимбетов жа-зони ўтаган манзил колонияси маъ-мурияти унинг илгари судланган-лик ҳолати тугалланмаганлигини эътиборга олмай, ўталмай қолган жазо муддатини қисқартириш ўри-нга жазодан озод қилиш ҳақида қарор чиқарган. Бу қарор прокурор томонидан бекор қилинган.

Шу ўринда яна бир ҳолат эъти-борни тортади. Бу ҳам бўлса айрим ижтимоий кўнума марказлари хо-димлари фармон асосида жазодан озод этилган шахсларга моддий ёрдам сифатида ажратилган маб-лағларни талон-тароз қилганлиғи-дир.

Фаргона вилояти Риштон туман ҳокимлиғи ижтимоий кўнума мар-кази бошлиғи У.Қурбонов 1.639.778 сўм пулни жазодан озод бўлган-ларга тарқатмасдан ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юбор-ганлиғи сабабли жиноий жавоб-гарликка тортилган.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мум-кинки, амнистияни чиқаришдан мак-сад билиб-билмай қонунни бузган шахсларга тўғри йўлни топишга имконият беришидир. Жойларда ушбу фармонни амалга татбиқ этиш жараёни давом этмоқда. Уйлай-мизки, шу билан йўл қўйилган хато-ликлар ҳам бартараф этилади.

Отабек ФУЗАЙЛОВ, Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

MULOHAZA Дилда хоҳиш бўлмаса...

Тор манфаати йўлида одам-ларни бир марта алдаган киши кўп ҳолларда иккинчи марта ҳам алдайди, кейин учинчи марта... 1970 йилда туғилган чинозлик Ирода Сайдалиева фирибгарлик жиноятини содир этиб, Ўзбекистон президентининг 2002 йил 3 декабр кунги амнистия тўғриси-даги фармониغا асосан жазодан қутулиб қолган эди. Аммо бу унга сабоқ бўлмади. У Наманган шаҳар судининг 2003 йил 29 июл-даги ҳукмига кўра ЖКнинг те-гишли моддалари билан судла-ниб, 3 йилга ахлоқ тузатиш иш-ларига тортилди.

Ҳаёт жуда мураккаб воқелик. Синовлари бисёр. Олдиға улкан максадларни қўйиб, уларга эришишнинг тўғри йўлини танламаган киши бора-бора жамиятда-ги макени йўқотади. Турмушнинг майда ташвишларига ўралашиб қолган одамнинг дунёкара-ши ҳам торайиб, ўзи ҳам майдалашиб боради. Бир кун келиб қарасаки, юрағидидаги эзгу туйғулардан, бир пайтлари қалбини тўлқинлантирган инжа орзулардан ном-нишон йўқ. Энг ачинарлиси шундаки, у бу жараёнда инсоф, диёнат, оқибат каби хислатлардан ҳам маҳрум бўлади. Бундай одамдан эса инсонийликка хос бўлмаган ҳар нарсани қуттиш мумкин.

1.100.000 сўмлик тилла тақинчоқ-ларини сотиб берман деб олиб қайтариб бермаган. Кейин тош-кентлик Феруза Муродованинг 1.200.000 сўмлик тилла тақинчоқ-ларини ҳам шу усулда қўлга кир-итган. Тақинчоқларнинг бир қис-мини сотиб, пулини берган, аммо 1.090.000 сўмлик молни ўзлашти-риб юборган. Шунингдек, тош-кентлик Гулчехра Азимова, чиноз-лик Холисохон Иброҳимова ҳам фирибгарнинг алдовига учинган. Воқеалар тафсилотиға батаф-сил тўхталмоқчи эмасмиз. Фақат шунга айтиш керакики, судда И.Сай-далиева қилишиғига қисман иқдор бўлса-да, унинг айби жабрланув-чи ва гувоҳларнинг кўргазмалари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари ва ашёвий далил-

лар билан тўлиқ тасдиқланди. Суд айбни енгиллаштирувчи ва оғир-лаштирувчи ҳолатларни, жабр-ланувчиларга етказилган зарар судланувчи ва унинг қариндош-лари томонидан тўлиқ қопланга-нини инобатга олиб, И.Сайдали-евага ойлук иш ҳақининг 30 фо-изини давлат фойдасига унди-риш шарти билан 3 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жаозасини тай-инлади.

Инсон дунёга бир марта кела-ди. Ҳаётда хатога йўл қўйган одам ўзини ислоҳ қилиш учун доим имкон топади. Фақат бунга ўзи чин дилдан исташи керак. Дилда хоҳиш бўлмаса қўйин.

Абдулау НОСИРОВ, Чиноз туман прокурорининг ёрдамчиси

Аммо шунга ҳам қайд этиш ло-зимки, баъзи ҳолларда шошма-шо-шарлик, белгиланган талабларни нотўғри талқин қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиғи оқибатида айрим маҳкумлар тайинланган жазони оя-лаб ошириб ўташга мажбур бўлган-лар. Баъзилари эса асоссиз равиш-да жазодан озод этилган.

Масалан, жиноят ишлари бўйи-ча Яққасарой туман судининг ҳу-қмига кўра ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари билан 57-модда қўлланган ҳолда бир йил муддатга озодликдан маҳрум этил-ган Ш.Абдуқаҳорова жиноят иш-лари бўйича Олмалик шаҳар суди амнистия актини ўз вақтида қўла-нишини таъминламаган.

ЖКнинг 241-моддаси 2-қисми ва 171-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига мувофиқ 7 йилга озодликдан маҳрум этилган А.Шам-сиевага нисбатан эса, уни жазодан озод қилиш тўғрисида эмас, балки ўталмай қолган жазо муддатини учдан бир қисмга қисқартириш ҳақида ноқонуний қарор чиқарил-ган.

Маълумки, фармоннинг 2-мод-

Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

PAKAbM

Чоршанбадан чоршайбагача тахририят муштарийлардан 27 та мактуб олди.

● **Minnatdorchiлик**

YAXSHILIK — DUNYONING USTUNI

Дунёнинг ҳаваси, қувончу шодликлари болангининг соғлиғи олдида ҳеч нарсага арзимас экан. Фарзандим Фаррух тўғма ногирон. Уззукун шифтга текилиб ётадиган, кўз ўнгинида гулдек сўлаётган жигарбандингизга текилишдан ортик бахтсизлик йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида дори-дармонни бир амаллаб турганда ўлимга ногиронлар аравачаси олиш шунчаки оруз эди. Шофиркон тумани прокурори Уктам Султоновнинг саяёҳаракати билан фарзандим қатори яна уч нафар ногирон болага аравача олиб берилди. Ҳозир эса иш билан таъминландим. Яхшилар бор бўлсин. Мен бу яхшиликни ҳеч қачон унутмайман.

Zebo MAJIDOVA,
Shofirkon tumani Arabxona qishlog'i



Ёз — ўтмоқда соз

● **Minnatdorchiлик**

КАТЪБИЯТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

Ушбу хатимизни чоп этасиз деган умиддамиз. Шу йилнинг бошида биз тахририятга шикоят билан мурожаат қилган эдик. Унда гуруҳимиз аъзолари қонуний равишда очган 26-йўналиш фаолияти базиси мутасаддилар томонидан ёпиб қўйилганлиги баён этилганди. Биз қатнаган йўналиш ўрнида аввал 26-а, босим бўлаверган эса худда ўша гуруҳ асосида 148-йўналиш очилганлиги, бу йўналишларни ташкил этишда ҳеч қандай тендер ўтказилмаганлиги, бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилинмаганлиги ҳам хатимизда ўз аксини топганди. Ушбу масала юзасидан дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Миробод тумани судига, «Тошхаварийўловчитранс»га, «Йўловчиавтохизмат» ва бошқа кўплаб муассасаларга мурожаат қилгандик. Лекин улар масалага лоқайдлик билан ва қарама-қарши нуқтаи назардан ёндашди. Фақатгина Шайхонтоҳур тумани ва Тошкент шаҳар прокуратураси ходимларинига содир этилган қонунбузилишга тўғри баҳо бердилар. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соғлом рақобатни вужудга келтириш ва қонунийликни таъминлашдек вазифага принципиал ёндашган Тошкент шаҳар прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Худойкул Турдибоевга, бўлим прокурори Бахтиёр Исаевга, Шайхонтоҳур тумани прокуратураси бўлим прокурори Зўҳра Пириевага газета орқали миннатдорчилик билдирмоқчимиз.

«Нуқуқ» газетаси жамоасига алоҳида ташаккуримизни айтмоқчимиз. Икки марта мақола чоп этилганлиги, тўқтинлик қилган раҳбарлар билан курашда чекинилмаганлиги ишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бунинг учун сизларга қатта раҳмат. Бундан кейин ҳам қонуни устуворлигини таъминлаш йўлида куч-қувват тилаймиз.

To'rabek ABDULLAYEV,
26-«Chorsu-Do'stlik» yo'nalishi brigadasi,
Nargiza TOSHTOYEVA,
«Real-Protekshen» advokatlik firmasi direktori

● **Madat talab maktab**

Nosoz yo'l qachon ravon bo'ladi?

Қишлоғимиз тумандан 80 км., вилоятдан 220 км. узоқда жойлашган. Бозор-ўчар учун туманга боришга 30 км. тоғли сўймоқлар оша пийда юриб, Дарбандга етамиз. Ундан кейин анчагина йўлкари тўлаб манзилга етамиз. Агар носоз Маҷай дара йўли раvon бўлиб, бу ердан техниканинг юришига имконият бўлганда, халқ бунчалик қийналмас эди. Мутасадди ташкилот раҳбарлари дарё суви камийганида булдозер билан шағални суриб, йўлни очиб беришади. Кор-ёмгир ёғиши билан «тузатилган» йўлни сел суриб кетади. Натijaда етти-та қишлоқ аҳолиси гўё яна кафасда қолади.

Бизни ажаблантирадиган нарса шуки, 2002 йилда кўчи ва дўл ёғиши, кучли сел келиши натижасида шикастланган ўз кўприк ҳалигача тикланмаган. «Туя гўшти ёган» йўлимиз харобаловичга текисланмай ётибди.

8 турдаги озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари дўконга йиллаб олиб келинмайди. Бир йил мобайнида 5 ой чирик кўрмай, қоронғуда яшаймиз. Тиббий хизмат йўлга қўйилмаган. Тиббий ёрдам учун дори-дармонларнинг йўқлиги йўлнинг носозлиги тўғрисидайдир.

Тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарларига қанчалик арз қилмайлик эътибор беришига йўқ.

Жаҳоннинг олтин беги бўлган Маҷай нега бугун ташландиқ бўлиб қолди? Бунга сабаб нима?

Erali JO'RAYEV,
Turdiboy XOLIQOV va boshqalar
Surxondaryo viloyati, Boysun tumani,
Yuqori Machay qishlog'i

● **Javob**

«PUCH YONG`OQNING NARXI»

«Нуқуқ» 18-сон, 2005-йил

Газетада чоп этилган ушбу мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламан: Тошкент шаҳар йўловчи ташишни ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 6 июндаги қарорига асосан «Дўстлик — Чорсу» йўналишида қатнаётган 148-маршрут фаолияти тугатилиб, мазкур йўналиш бўйича 26-маршрут фаолияти қайтадан тикланди.

M.MIRZAYEV,
Toshkent shahar prokurorining birinchi o'rinbosari

PUDRATCHINING HUQUQI TIKLANDI

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан Хива тумани Р.Мадаминов номи ширкат хўжалигида яшовчи Р.Шарипованинг тахририятга ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ушбу хўжалик билан Р.Шарипова ўртасида 2004 йил ҳосили учун 5 гектар ерга экиладиган бугдўйни парвартишиб, хўжаликка 50 центнердан, жами 25 тонна бугдўй топириш ҳақида шартнома тузилган. Пудратчи шартномани тўлиқ бажариб, хўжаликка 25 тонна ўрнига 35 тонна бугдўй топиришган. Ҳалла ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича тузилган комиссия Р.Шарипова топиришган бугдўйнинг ифлослиги ва намлиги бўйича даълатномага

мувофиқ 6165 кг (17,6 фоиз) табиий камайишни ҳисоблаган. Натижада 28.890 кг бугдўй қирим қилинган. Лекин бу ҳақда Р.Шариповага ҳеч қандай ҳужжат берилмаган.

Шунингдек, аризини ўрганиш жараёнида шартномага асосан ширкат томонидан Р.Шариповага берилиши лозим бўлган 3890 кг бугдўйдан 2600 кг берилиб, 1290 кг берилмай қолган. Прокуратура натижа ҳисобида тўланиши лозим бўлган ушбу бугдўйни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритди.

Текширишда Р.Шарипова ва унинг оила аъзоларига 2003 — 2004-йиллар учун жами 369.531 сўм иш ҳақи берилмаганлиги ҳам аниқланиб, прокуратура аризаси билан ундириб берилди.

Тугатилган ширкат негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича тендер комиссияси ҳуқуқсизга мувофиқ Р.Шарипова 22-а участкадаги 1,9 га ерга савбовотчилик йўналишида ғолиб чиққан. Бу ҳақда туман ҳокими ва тендер комиссиясининг қарори мавжуд. Лекин бу фуқаро билан ижара шартномаси тузиш ва ер ажратиш бериш чоралари қўрилмаган. Прокуратура аризаси билан Р.Шарипованинг «Муҳиддин-Хусниддин» фермер хўжалигига тегишли равишда ер ажратиш берилди.

I.DAVLETOV,
Xorazm viloyat prokurorining birinchi o'rinbosari

«SUV MOJAROSI»

«Нуқуқ» 19-сон, 2005-йил

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан мақолада кўрсатилган масалалар ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, мақолада кўрсатилганидек, Ўзбекистон туманидаги «Бўстонларранда» МЧЖ раҳбарлари ўз ҳудудидан ўтувчи бетон ариқ жамият томонидан қазиб битказилганини баҳона қилиб, шу ҳудуд атрофида жойлашган богдорчилик йўналишидаги 8 та фермер хўжалигига сув бермай қўйилганлиги натижасида келишмовчилик келиб чиққан. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон тумани прокуратураси текшириш ўтказди. Натijaда фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал қилинди.

Фермерлар билан «Сўх-Кўшқўноқ-Фарғона» ва «Яйпанандир бўйлаб» номи сувадан фойдаланувчилар уюшмалари ўртасида сув билан таъминлаш юзасидан қонуний шартномалар тузилди.

O.AHMADJONOV,
Farg'ona viloyat prokurorining birinchi o'rinbosari
TAHRIRIYATDAN:

«Сув можароси» деб номланган мақолада «Бўстонларранда» масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари томонидан фермер хўжаликларига «Бўстон» ариқидан сув олишга тўқтинлик қилинаётганлиги ақс этганди. Жавоб хатнда бу факт тасдиқланган. Лекин қонунбузарларга қандай чора кўрилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

YER EGASIGA QAYTARILDI

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан Денов тумани Ш.Қобилов номи ширкат хўжалиги «Янгибод» маҳалласида яшовчи Р.Ҳасановнинг фуқаро Х.Жумаевдан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Денов тумани прокуратураси ўтказган текширишда Х.Жумаев Р.Ҳасановнинг набираси Ж.Тошўлатовга тегишли ерни ўзбосимчилик билан эгаллаб олганлиги аниқланди. Қишлоқ фуқаролар йиғини аъзолари ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда ўзаро ярашувга эришилди. Ер эса қонуний эгасига қайтарилди.

J.MAHMADAMINOV,
Surxondaryo viloyat prokurorining o'rinbosari

● **Mulohaza**

NIMA KO'P BO'LSA...

Матбуот — жамият кўзгуси деймиз. ОАВ ҳақида сўз кетганда, тўртинчи ҳокимият дея таъриф берилсади. Бугунги кун матбуоти, яъни даврий нашрлар ҳақида сўз юритишдан олдин шунчаки одамларнинг матбуот тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдим. Сўхбатдошларнинг аксарияти «Даракчи», «Бекажон», «Парвона» каби газеталарни ўқишини айтди. Кўпчилик бошқотирма, кроссворд-ешиш учун газета сотиб олишини билдирди. Фақат айримларигина «Моҳият», «Нуқуқ», «Миллий тикланиш», «Хуррият» сингари газеталарни кузатиб боришини билдирди.

Хўш, нега кўпчилик хусусий нашрларни мутотала қилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам (хёёбон газеталари) ўқувчиларда яхши таассурот қолдираётими?

Дастлаб «Даракчи» газетаси оммалашганда, улар вақтли нашрлардан бошқачароқ — ҳажми энгил, кўпчиликни қизиқтирадиган йўлни танлаган эди. Балки унча ҳам шу сингари нашрлар бўлганлар. Бирок, энг бозоригр газета «Даракчи» бўлиб қолгач, бу газета мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб, ўқувчилар сонини орттира берди. Бугунги кунда юзлаб хусусий нашрлар фаолият кўрсатаяпти. Хўш, бунинг нимами ёмон? Мухими ўқувчиси бор экан, ҳар ким ўз ишини қилаверсин деймиз. Бирок, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни, нима кўп бўлса, айнан шу нарса қадрини йўқотади. Одамлар газета деганда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози» сингари долзарб газеталарни эмас, алмақандий хонандаларнинг тўй саргузаштлари ёки қайси «машҳур» артист қанақа машина олгани, кийган кийими қанча туриши ҳақидаги шов-шувли, миш-мишларга тўла «хабарча»лар босилган газеталарни тушунишмоқда. Мен бу билан ҳамма хусусий нашрлар олди-қочидлардан иборат демоқчи эмасман. Адабиёт, санъат, спорт ва иқтимоий ҳаётнинг турфа қирраларини намён қилиб, қизқарли сўхбатлар уюштираётган газеталар ҳам йўқ эмас.

Шунингдек, даярлик барча газеталарда мунажжимлар башорати, кроссвордлар, латифалар бир-биридан қўйиргандек айнан бир хил бериб бериладики, кўпчилиги инсонлар ҳаётида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Хёёнат ва жиноят ҳақидаги ҳикоя жанрида ёзилган шундай «асар-лар борки, агар булар ҳикоя бўлса, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев сингари адибларимизнинг ёзганлари нима экан, деб ўйлаб қоласиз.

Akmal BERDIYOROV



— Шухрат ака, халқимиз яқинда мустақиллигимизнинг 14 йиллигини нишонлайди. Қутлуғ кунларда эришилган ютуқлар ва йўл кўшилган камчиликлар сарҳисоб қилинади.

— Тарих олдида 14 йил кўз очиб юрганимизда кўп ишлар қилинди. Буни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Ўзвиз кучлар бир неча бор халқимизнинг осойишталигини бузмасди. Шундай давларда ҳарбийларимиз халқ билан биргаликда синовлардан муваффақиятли ўтди.

Бизнинг соҳа ходимлари зиммасига республикамиздаги ҳарбий қисмлар, стратегик ва умумий мақсадларга мўлжалланган бирлашмалар, ҳарбий ўқув юрталари ва бошқа ҳарбий тузилмаларда прокурорлик назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган. Ходимларимиз ҳарбийлар билан ҳамкорликда муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиб келапти. Мақсадимиз битта — давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини юксалтиришдир.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда жойлашган ҳарбий қисмлар, ўқув юрталари, муассаса, ташиқлот ва бошқа ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон тасарруфида олинди. Ўтган давр мобайнида армиямизни такомиллаштириш борасида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Қуролли кучларда 1992 — 1994 ва 1995 — 1999 йиллари ислохотларнинг биринчи ва иккинчи bosқичи ўтказилган бўлса, ҳозир навбатдаги bosқичи давом этапти.

— Ислохотларга тўсиқ бўлаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қонунбузарликнинг олдини олишда профилактик тадбирларнинг ўрни бекиёс. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2005 йилнинг 4 ойида ўтган йилнинг шу

Ватан — киндик қонимиз тўкилган жонажон диёр. Мадҳиямизни эшитганда, гербимизни кўрганда, ҳилпирётган байрогимизга нигоҳимиз тушганда бепойён Ўзбекистон кўз олдимизда намоён бўлади. Ватанини ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш ҳар доим муқаддас бурч ҳисобланган. Бугун ҳам шундай. Бу шарафли вазифани Мудофаа вазирлиги, МХХ ва Чегара қўшинлари тасарруфидаги ҳарбий қисмлар бажармоқда. Улар Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачигидек кўриқлашяпти. Уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари қандай ҳимоя қилинган? Бу соҳада ислохотлар қандай бормоқда? Мухбири-миз Республика ҳарбий прокурори Шухрат УЗОҚОВ билан шу ҳақда сўхбатлашди.

ВАТАН — ЮРАК КАБИ ЯҒОНА



М.Эргашевга нисбатан ЖКнинг бир катор моддалари бўйича жиноят иши қўзғатган. М.Эргашев сафарбарлик чакируви резервида хизматни ўташ учун фуқаролар тўлаган 314.000 сўм пулни ўз эҳтиёжи учун ишлаб юборган. 100.000 сўм пора олган ва 27.371.800 сўм бадал пулини ундириш чорасини кўрмаган. Суднинг ҳукми билан у 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

— Ҳар бир соҳада муаммоларни билимдон, тажрибали кадрлар ҳал қилади. Ҳарбий прокуратурада кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш борасида қандай ишлар қилинапти?

— Асосий эътибор

даврига нисбатан жиноятларнинг камайишига эришилди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимида бу кўрсаткич 21 фоизга, ИИВнинг қоровул қўшинларида 66,6 фоизга, МХХ чегара қўшинларида 40,8 фоизга камайган.

Бундан ташқари, Қуролли кучларда ўтказилаётган ислохотларни эътиборга олган ҳолда шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбийлар ўртасида интизомни мустаҳкамлашга ҳам асосий эътибор қаратилди. Қўрилган самарали чора-тадбирлар натижасида мазкур тоифадагилар томонидан жиноят содир этилиши 24,2 фоизга, офицерлар содир этаётган жиноятлар 11,5 фоизга камайди. Бу ютуқларнинг бош омилли тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилганидеса ҳам бўлади.

Кези келганда, ҳарбий прокуратура фаолиятини фаол тарғиб қилиб, жиноятчиликнинг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшиб келаятган «Халқ сўзи», «Ватанпарвар», «Инсон ва қонун» газеталари ижодий жамоасига, «Qonun himoyasida» бирлашган тахририятига, ЎзТВнинг «Ватанимга хизмат қиламан», «Аскар мактублари» ва «Марди майдон» кўрсатуви ижодкорларига миннатдорчилик билдираман.

— Миллатимиз тарихига назар солаётган бўлсак, юрт бахти учун йиғитлар билан бир қаторда оналаримиз, момоларимиз ҳам Ватан учун курашиб ширин жонидан кечган. Тумарис, Бибихоним,

Нодирабегим каби сиймолар бунга мисол. Уларнинг давомчилари бўлмиш Қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган аёлларимиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Юрагида иймони бор инсон, хоҳ у аёл бўлсин, хоҳ эркак, Ватанини севади, уни ёвуз кучлардан асрайди. Мундир кийиб юрт тинчлигини кўриқлаётган аёлларимизга минг бора қуллук қилсак арзийди. Уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз. Ҳарбий қисмларда бўлганимда уларнинг ҳар бири билан алоҳида сўхбатлашишга ҳаракат қиламан. Қисмларда улар учун барча шароит яратиб берилаяпти.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий қисм ва муассасалар кўмондонлиги билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар ушбу йўналишда ўтказган текширишлар тахлили шуни кўрсатадики, бу соҳадаги норматив ҳужжатларга асосан риоя қилиб келинган. Шунга қарамай баъзи қисмларда юқорида кўрсатилган масалаларда лозим даражада иш олиб борилмаганлиги оқибатида баъзан қонунбузилишларга ҳам йўл қўйилган.

Таътил масаласидаги чалкашликлар аёлларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Жумладан, шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган кичик сержант Е.Ярмалюк, М.Нуридинова, А.Турабоева, Н.Жеребцова, С.Умарова ва З.Йўлдошевлар 2005 йилда таътилга чиқиш ҳақдаги қиритилмаганлиги аниқланди.

Мудофаа вазирлигининг «Хизмат турар-жойи билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларга уй-жой учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисида»ги буйруғи ҳарбий хизматчиларга тўла тушунтирилмаган. Биз текширган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қилаётган кичик сержант В.Шика-

нова, Н.Мамажонова ва А.Воронвалар турар-жой билан таъминланмаган. Ажабланарлиси шундаки, уларга уй-жой учун компенсация ҳам берилмас экан. Бизнинг аралашувимиздан сўнг муаммо ҳал қилинди.

— Айрим мудофаа ишлари бўлими ходимлари фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик резерви хизматига чакиршда таъмағирлик, мансабни суистеъмол қилиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳолатларига йўл қўяётганлиги ҳақида матбуотда кўп ёзилапти...

— Гапингизда жон бор. Халқимизда шамол бўлмаса даракнинг учи қимирламайди деган гап бор. Буни инкор қилиб бўлмайд.

Ҳарбий прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бундай жиноятларга қарши кескин кураш олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қуролли кучларида тинчлик ва уруш вақтида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида»ги низом талабларига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда шаҳар ва туман ҳокимиятлари тиббий чакирув комиссияларини тиббий асбоб-ускуна ва малакали врачлар билан таъминлаш керак. Бироқ врачларнинг лоқайдлиги туфайли айрим касал йиғитлар ҳам ҳарбий хизматга яроқли деб топилган.

Ҳарбий прокуратуралар ўтказган текшириш натижасига кўра, ҳарбий хизматдан соғлиги туфайли қайтарилган чакирувчилар юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбариятига прокурор таъсир чораларини қўллаш билан бирга, йиғитларни ҳарбий хизматга жўнатиш ва уларнинг қайтиб келиши билан боғлиқ харажатларни айбдорлардан ундириш масаласи кўриб чиқилапти. Жумладан, Наманган вилояти бўйича қайтарилган 5 нафар фуқарони ҳарбийга жўнатишда эътиборсизлик билан қараган тиббиёт ходимларидан 157.652 сўм ихтиёрий равишда ундирилган.



марказий маҳкама, ҳарбий округ, ҳудудий ҳарбий прокуратуралар штатларини жамлашга, офицерларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини яхшилашга қаратилган.

Ўтган даврда ҳарбий прокуратура органларида штат бўйича 165 та офицерлик лавозимини мавжуд бўлиб, шундан 157 таси кадрлар билан таъминланган.

Қайд этилган даврда ҳарбий прокуратура органларида ишга қабул қилинган ходимларнинг шахсий хислати, ишчанлик қобилияти ва ахлоқий фазилатлари белги-ланган тартибда ўрганилапти. Ҳарбий прокуратурага 2004 йилда 19 нафар, шу йилнинг ўзида эса 13 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Вазифасига виждонан ёндошган офицерларнинг Ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Мустақиллик йилларида ҳарбий прокуратуранинг 9 нафар ходими давлатимизнинг оқсак мукофотлариغا сазовор бўлган.

Ўзбекистон Бош прокуратурининг буйруғига асосан ҳарбий прокуратура органларида ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор шахсий тайёргарликка қаратилаяпти. Ҳарбий округ ва ҳудудий прокуратураларда хизматни ўтаб келаятган ҳар бир ёш мутахассис учун малакали ходимлар мураббий этиб тайинланган.

Мақсадимиз Қуролли кучлар сафини Ватанга садоқатли ёшлар билан тўлдиришдир. Ўйлайманки, ана шунда қўзланган мақсадга эришилади.

«Ниҳуқ» мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ сўхбатлашди



Республика ҳарбий прокуратурининг катта ёрдамчиси Ш.Атаев ёш терговчилар билан.

BUGUNNING MAVZUSI

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг маориф тизимида кенг кўламда ислохотлар амалга оширилди. Тизимга баъзи янги атамалар кириб келди. Магистр, бакалавр, тест, рейтинг, лицей, коллеж ва ҳокзалар шулар жумласидандир. Улар замонавий андозаларга тўлиқ мос келадди. Бироқ мазкур янгиликлар ҳақиқатан ҳам қутилган натижани бераётими?



фикрни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бироқ саволларни ёд олмай, китоблардан фойдаланиб уларга бемалол тўғри жавоб бериш мушкул. Шаҳсан мен бу нарсани уддалай оладиган абитуриент борлигига ишонмайман. «3x3x0,2 м³ ўлчамли бетон плита сувга тўлиқ ботган. Унга таъсир қилувчи Архимед кучи неча кН?»; «Маҳмуд Қошғарий девонидаги тўртликлар қандай қофияланган?»; «Италия тарихида энг йирик бўлган мафиячилар устидан суд жараёни қайси шаҳарда бўлиб ўтган?» каби юзлаб саволларга жавоб вариантларини ёдламай туриб жавоб бера оладиган

маъжул. Репетиторлар орасида аниқ бир фанни ўқитибгина қолмай, балки маълум институт имтиҳонларига тайёрлайдиганлари ҳам бор. Масалан, Тошкент Давлат юридик институтига тарих, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда инглиз тилидан тест саволларини ечиш керак бўлса, махсус репетиторлар бир вақтнинг ўзида учала фандан ўқитишни олиб борадилар. Бу жараёнда ҳам кўпроқ тест саволларини ёдлатиш қўлланади. Бухоролик курсдошим имтиҳонларга шундай махсус репетиторда тайёргарлик кўрганни айтганидир. У абитуриентларни гуманитар соҳалар бўйича институтларга тайёрлар экан. Ўқитиш усули жуда қизиқ: репетитор абитуриентларни мактабни битиришларидан уч-тўрт ой аввал ўзининг уйига олиб келиб ўқитишни бошлар экан. Абитуриентлар (фақат йигитлар) ўша уйда режалаштирилган кун тартибидан

репетиторлик ривожланиб кетди. Уларнинг орасида бу жараён «қўшимча дарс» деб аталади. Ҳамма ўқувчилар ҳам фанларни пухта ўзлаштиради деб айтиш мумкин эмас, албатта. Шундай ўқувчиларга ўқитувчилар қўшимча дарс ўтиши мумкин. Бу хизмат учун ҳақ тўланиши шарт. Мисол учун, Россиянинг Тамбов Давлат университетида шунга ўхшаш жараён бу йилдан бошлаб расмийлаштирилди. Энди мазкур университетда оралиқ имтиҳонларни топшира олмаган талаба университет кассасига 2000 рубл тўлаб, мазкур фандан қўшимча маъруза тинглаши шарт. Жараённинг объектив томони шундаки, университет маъмурияти ўзига хос жарима тўлаган талабага унинг пуллари нималарга сарф қилингани ҳақида ахборот беради. Талабалардан бу тарзда олинган маблағ фақат университет учун

РЕПЕТИТОРЛИК МАВСУМИ

Шартнома асосида ўқиш қоидаси жорий қилинганида кўпчилик учун бу нарсани унчалик маъжул келмагани табиий ҳол эди. Таълим олиш учун пул тўлаш фуқароларимизга қутилмаган янгилик бўлган. Бироқ ривожланган мамлакатларда бу қоида биздан анча аввал ўрнатилган. Қолаверса, ҳамма талаба ҳам шартнома асосида ўқиши шарт эмас. Билими етарли талаба давлат ҳисобидан ўқиши ҳам мумкин. Бунинг учун талаба бўлишни истаган ўқувчи улкан имкониятдан фойдаланиши керак. Бу имконият ўрта таълимнинг бепуллигидир. Мактабда яхши ўқиган бола хоҳлаган ўқув даргоҳига давлат гранти асосида қабул қилиниши мумкин. Бироқ жараённинг яна бир қизиқ тарафи мавжуд. У ҳам бўлса мактабда яхши ўқимган ўқувчи ҳам институтда, бунинг устига бепул ўқиш имконини қўлга киритади. Бу имкониятни унга имтиҳонлар тизимида жорий қилинган тест саволлари яратиб беради. Тест ҳам маориф соҳасидаги янгиликдир. Қуйидаги тест саволи давлат тест имтиҳонларида бериладиганларидан биридир:

- Арин-берд қальаси деворларида қайси подшоларнинг исмлари ёзилган, нақшли расмлар туширилган лавҳа топилган?
- Саул ва Ишвааламинг.
 - Довуд ва Сулаймоннинг.
 - Рус I ва Саргон II нинг.
 - Менуа ва Сардури I нинг.
 - Аргишти I ва Сардури II нинг.

Тарих фанига оид ушбу савол Давлат тест маркази «Ахборотномаси»нинг 2003 йил 2-сонидан олинган. Берилган бешта жавобдан фақат биттаси тўғри. Талаба айнан тўғри жавобни белгилаши керак. Бошқа фанлардан бериладиган саволлар ҳам худди шу шаклдадир. «Шуриқнинг саргузаштлари

ёки «bl» операцияси» филмидаги Шуриқнинг конспектдан кўз узмай имтиҳонга тайёрланганини эсланг. Ҳақиқатан ҳам илгари опа ва акаларимиз имтиҳонга китоб varaқлаб, конспектларни қайта-қайта ўқиб тайёрланишган. Бугун эса имтиҳонга тайёргарлик ёд олиш кўринишида намён бўлади. Юқоридаги саволни мисол қиладиган бўлсак, ундаги Арин-берд қальаси қайси давлатга, қайси даврга тегишли эканлигини билиш шарт эмас. Жавобнинг тўғри вариантини аниқлаб, ёд олинса бўлди, баҳо «беш». Бошқа савол ва фанларда ҳам худди шундай.

Яқин дўстимнинг жияни абитуриентлик даврида кунига 70-80 та саволнинг жавобини ёдлаш жуда қийин бўлаётганини айтди. Мен унга унчалик ваҳима қилмаслигини, биз ҳам кунига худди шунчадан жавоб ёдлаганимизни айтдим. Шунда у менга биронта савол бермоқчи бўлди. Рози бўлдим. Абитуриент ўйлаб-ўйлаб, Чингизхоннинг асил исми нима деб сўради. Кетидан жавоб вариантларини ҳам қўшиб қўйди. Саволига жавоб берганимда ёнимизга дўстим келиб, нима ҳақида гаплашаётганимизни сўради. Чингизхон ҳақида деганимда у ҳазиллашиб, «А-а, мўғуллар ҳақидами?», – деб қўйди. Шунда унинг абитуриент жияни биздан мўғуллар нималигини сўради.

Теста тайёрланаётган абитуриент Искандар Зулқарнайнинг қачон туғилгани, қаерларга қачон юриш қилганини, яъни унинг ҳаёти билан боғлиқ саналарни ёдлаб олиб, бироқ юқоридаги мисол сингари, Искандар асли ким ва унинг тарихдаги ўрни ҳақида ҳеч нарсани билмай туриб ҳам тестдан ўтиши мумкин.

Тест имтиҳонларига тайёрланаётган абитуриент тўғри жавобни аниқлаши учун кўплаб китоб ва манбаларни varaқлашига тўғри келади. Шу жараённинг ўзида унинг билими анча ошади деган

одам бўлса, у тирик энциклопедия номига муносиб кишидир.

Мақсад тест имтиҳонларини ёмонлаш эмас, албатта. Тест саволлари жорий бўлганидан сўнг қабул имтиҳонларида объективлик кучайганини инкор этиб бўлмайди. Авваллари бўлганидек, имтиҳонларда абитуриентларнинг домдаларга амаксисининг, министр поччасининг ёки раис тоғасининг «салом»ларини айтишлари бугун йўқолиб кетган. Бироқ жорий қилинган замонавий тизимни ҳам мукамал деб айтиш қийин.

Имтиҳоннинг янгича кўриниши кириб келиши билан уларга тайёргарлик ҳам анча ўзгарди. Бунинг устига тест саволларига тайёрловчи инсонларга талаб пайдо бўлди. Наҳақда тестлар мамлакатимизда ўзига хос янги, норасмий «таълим тизими»ни вужудга келтирди. Ушбу тизим тўхтовсиз давом этиб, давлат имтиҳонларига 4-5 ой қолганида авж олади. Унинг номи репетиторлик.

Репетиторлар махсус ёлланма ўқитувчилар бўлиб, абитуриентларни маълум йўналиш бўйича имтиҳонларга тайёрлайди. Уларнинг ўқитиш тизими турлича. Баъзилари абитуриентга маълум фанга оид кенг кўламдаги маърузаларни ўқиб, шу билан бирга тест саволларидаги тўғри жавобни қандай аниқлаш кераклигини ҳам ўқитиб борадилар. Бу жараёнда тест саволларини ёд олиш билан чегараланилмайди. Шу сабабли мазкур жараён узок вақт талаб қилади. Бундай репетиторлар абитуриентларни ўқитишни имтиҳонлардан таҳминан бир йил олдин бошлайдилар.

Бошқа репетиторлар эса талабага тестларни ёдлатиш билан чекланади. Тўғри, абитуриент репетитор ёлламасдан ҳам саволларни ёдлаши мумкин. Бироқ репетиторда барча тест саволларига тўғри жавоб бор. Абитуриент бу саволларга тўғри жавобни топиши учун анча вақт керак бўлади. Шу сабабли ҳам репетиторга мурожаат қилган

яшайдилар. Бир вақтда туриб, бирга нонушта қилишганидан сўнг дарслар бошланади ва шу тарзда давом этади. Фақат дам олиш кунлари уйларига бориб келишади. Репетиторнинг маш-хуриги шундаки, у тайёрлаган абитуриентларнинг 99 фоизи олий ўқув юртига ўқишга қиради. Ўқитишнинг нархи ҳам шунга яраша. Агар абитуриент имтиҳонлардан йикисла, репетитор тўланган пулнинг маълум қисмини қайтариб беради ёки абитуриент бунга рози бўлса кейинги йилдаги тайёргарлик учун тўланадиган пулдан чегириб ташланади.

Мактабда аълога ўқиган абитуриентга репетитор керак эмас деган фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Сабаби, тест саволлари билан ишлаш учун махсус тайёргарлик керак.

Жавоб вариантлари орасидан тўғриси топиш учун уларни таҳлил қилишни билиш керак дейди биз билан сўбхатлашган Н. исмли репетитор. Унинг таъкидлашича, абитуриент фанни қанчалик яхши ўзлаштирган бўлмасин, тест саволлари билан ишлашни пухта ўрганмаса, уларга жавоб беришга қийналади. Чунки у саволнинг жавобини билган тақдирда ҳам уни чаптуви учун тўрта вариант мавжуд.

Кўриб турганимиздай, мактабни битириб бўлган, кириш имтиҳонларига тайёрланаётган абитуриентларнинг деярли барчаси репетитор хизматига мурожаат қилади. Айтиб ўтиш керак, бугунги кунда бу хизмат учун яхшигина маблағ сарфлашга тўғри келади. Репетиторларнинг хизмати қанча туришини аниқ кўрсатиб ўтирмаймиз. Чунки кўчаларнинг дармадини санаш уларни бироз ранжитиши мумкин. Бунинг устига ҳозир репетиторлар «мавсуми», уларга мурожаат қилган абитуриент ва ота-оналар бу нархларни яхши билишади.

Масаланинг яна бир қизиқ тарафи шундаки, мактаб ўқитувчилари орасида ҳам

зарур нарсаларга сарфланади.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг қўшимча дарс ўтиши авж олишининг сабабларидан бири ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштириш даражаси пасайиб бораётгани бўлса, иккинчидан, битирувчи синф ўқувчиларида тест саволлари билан ишлашга эҳтиёжнинг мавжудлигидир.

Шундай экан, нега ўқувчилар бу жараёнга пул сарфлашига тўғри келаяпти? Нега норасмий таълим тизими ривожланиб бормоқда?

Бу саволларга аниқ жавоб бериш қийин. Бизнингча, бу масалани ҳақ қилиш учун ўрта таълим муассасаларидаги битирувчи ўқувчиларга мўлжалланган тест саволларига тайёргарлик соатларини кўпайтириш лозим.

Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида унга алоқдор маълумотларни топиш учун реклама ва эълонлар чоп этиладиган нашрлардан бирини сотиб олдим. Газетанинг таълимга оид эълонлари берилган бўлимида хизматини тақлиф қиладиган репетиторларнинг юзлаб эълонлари босилган. Улар орасида давлат тест саволларига шпаргалка сотамиз деган бир нечта эълон ҳам бор. Кўпчилик учун бу оддий эълондай туюлиши мумкин. Чунки бундай эълонларни кўча-қўйда кўп учратганмиз. Бироқ абитуриент учун бу нарсалар ўта муҳим масаланинг енгил ечимидай кўринади. Бироқ улар абитуриентда давлат тест имтиҳонларига бўлган ҳурматни қай даражада шакллантириши мумкин? Балки яқинда муайян ҳақ эвазига маълум бир институтга ўқишга жойлаштириб қўямиз қабилидаги эълонлар ҳам биз учун оддий ҳолга айланар?

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
«Ниқуқ» муҳбири

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ!



Андижон бозорлари ҳар доимгидан гавжум.

Андижондаги муҳиш воқеаларнинг бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан ошди. Аммо орадан кунлар, ойлар ўтса-да, бу ҳунрезликларни унуттиш осон кечмаяпти. Юрагимиздаги дарднинг, қалбимиздаги жароҳатларнинг битиши учун, билмадим, яна қанча вақт керак экан? Фожеаларни унутиб бўлармикан?! Ахир иймон, меҳр-оқибат, одамийликни ҳар нарсадан ўстун қўювчи бизнинг юртимизда беғуноҳ одамлар қурбон бўлди.

Тинчликнинг, тўқин-сочинликнинг кадрига етмай ношукурчилик қилишдан мақсад не эди? Нахотки, дунё илм-фаннинг, маърифатнинг чирогини ёққан буюқ аллоларнинг авлодлари жоҳиллик ботқоғига ботиб, жиноятчилардан паноҳ изласа?! Ҳа, айнан мана шу жоҳил бандалар қамқоқхонада жазо муддатини ўтаётган жиноятчилар қўчига таянмоқчи бўлган.

Ватан ягонадир, Ватан Битмадир

Ривоят қилишларича, буюқ аллома Суқрот қайсидадир гуноҳи учун зиндонда ўтирган вақтида шогирдлари зиндонни ишғол қилишибди. Ҳамма маҳбуслар қочсаям Суқрот жойида ўтирганмиш. Ундан бунинг сабабини сўраганида: «Подшоҳим мени қилган жиноятим учун зиндонга ташлади, жазо муддатини ўтаб гуноҳимни ювишни шарт», — деб жавоб берибди.

Андижонда қонли фожеаларни режалаштирган кимсалар ҳам қамқоқхона қорувулларини ўлдириб, маҳбусларни мажбуран чиқариб юбориб, қўлига қурол тутқазганлар. Бирок қўнчилик маҳбуслар бу «озодлик»нинг замирида нима ётганини тез англаб етиб, ватанга хиёнат қилишни истамай эртасигаёқ қамқоқхонага қайтиб келганлар. Шундайлардан бири 1977 йили туғилган, Хоразмнинг Гуран тумани Вазир қишлоғида яшаган Қодирберган Аллабергановдир.

Бу йигитнинг жиноятчиларга қўшилиб юртдан чиқиб кетмай, эртасигаёқ биринчилардан бўлиб қамқоқхонага қайтиб келганини эшитиб, унинг ота-онаси билан суҳбат қилиш мақсадида Вазир қишлоғига қараб йўл олди.

ЖИНОЯТЧИ БЎЛСА ҲАМ ЎҒЛИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Қишқоқ фуқаролар йиғини раисикандайди иш билан туман марказига кетган экан. Қодирберганнинг уйига бизни маҳалла посбони Тўрабой Олломов бошлаб борди.

Амударё соҳилига туташ мўъжазгина кўча. Уй олдида беш-олти киши чордона қуриб ўтиришарди. Кўзларидаги ҳадик-сираш, ҳуқур савол назаридан Қодирберганнинг отасини дарҳол таниб олдим, кўллари меҳнатдан қаварган, оддийгина ўзбек дехқони. У ташрифимиз боисини эшитган юзи ёришиб, бизни ичкарига бошлади.

— Кечагина Андижондан келдим, — дея суҳбатни бошлади Ҳалимбат ака. — Худого шуқур, шаҳар ҳам, йўллар ҳам тинч, гўё ҳеч нима бўлмагандек. Ўғлимизни ўздан кўрсатишди. Апрельда борганимда эса ҳатто қўнқолашиб қўришишга ҳам руҳсат беришганди. Ушанда қамқоқхона ходимлари ўғлимнинг одобли эканлигини, худо хоҳласа муддатидан олдин чиқишини айтиб кўнглимни кўтаришганди. Шунисига ҳам шуқур. Жиноятчиларга қўшилиб қочиб кетган маҳбусларнинг ота-оналари қамқоқхона олдида зор қажшаб йиғлаётганини бир кўрсангиз эди...

— Ўғлингиз нима сабабдан қамалган эди?

— Қодирберган аввал вилоят ички ишлар бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўлимида ишлаб, ишдан бўшаганди. 2004 йил декабр ойининг охирида қўнқолашмишмики-да тўй бўлди. Шу тўйда кўшни маҳаллалик йиғит шуни баҳона қилиб, ўғлимнинг иззат-нафсига теккан. У эса бунга чидай олмай, унинг қорнига жаҳл устида пичоқ урган. Оқибатда ҳалиги йиғит вафот этди.

Шу йилнинг 1 март куни ўғлимни 12 йилга озодликдан маҳрум қилишди. Мен суд ҳукмидан норози эмасман. Чунки гудай бир йиғит ҳаётдан кўз юмди. Насиб қилса, ўғлим бир куни қамқоқдан чиқиб қолар. Аммо ўғлим жиноятчи бўлса ҳам у билан фахрланаман. Негаки, Ватан хоинларига қўшилиб ўз халқининг юзига оёқ қўймади, юртини ташлаб қочиб кетмади. Мен ўғлимга ишонардим, чунки уни ҳалол едириб, ҳалол ичириб катта қилдим. Мана шу қадқ қўларимда кўтариб ўстирдим.

— Қодирберган мушукмак озор бермайдиган йиғит эди, — дея суҳбатга қўшилди ташрифимизни эшитиб хондонга етиб келган участка профилактика назирни Дилшод Янгибоев. — Унинг на чеканани, на ичганини кўрганман. Кўнгилочар жойларга эса умуман қадам босмасди. Бундай йиғитларимизни асраб-

авайлашимиз керак...

АНДА ЖОНИМ ҚОЛДИ МЕНИНГ

— Қодирберган болаларимнинг каттаси, — дея суҳбатни давом эттирди унинг онаси, бир чекдада рўмолининг учини тишлаб, кўзи ёшга тўлиб ўтирган Раҳима ая. — Ундан кейин яна уч ўғлим бор. Аммо ўнта бўлса ўрни бошқа экан. Отасига қўшилиб мен ҳам Андижонга бориб келдим. Қўрмаган юртларни кўрдим, ошмаган қирлардан ошдим. Худого шуқур, ўғлим соғ-омон экан, ўздан бўлса-да уни кўрдим. Аммо уйга қуруқ танам келган, жоним эса Андижонда қолиб кетди. Насиб этса, бир кун келар. Илоё юрт тинчини бузганларнинг уйи кўйсин...

Раҳима опа кўз ёшларини тийиб тура олмайди, эзилиб-эзилиб йиғлади...

Вазир қишлоғидан қайтар эканмиз, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлса-да, Ватаннинг ягоналигини, унинг она каби муқаддас эканлигини тушуниб етган, ўзга юртдаги озодликдан ўз юртидаги қамқоқхонани афзал билган Қодирберган каби йиғитларнинг борлигидан қалбимизда фахр хисларини туйдиқ.

Мирзабек ЖАПОКОВ,
журналист

Мустақиллик йилларида Андижон саноати беқийс даражада юксалмоқда. «ЎЗДЕУавто» мажмуғига қирган қорхоналарда автомобилдан тортиб, унинг жиҳозлари-ю бўёғича ишлаб чиқарилапти. Вилоятда саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам жадал ривожланишни кўриш мумкин.

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» қорхонасининг Андижон шаҳридаги механика заводида вагон, йўл, локомотив ва алоқа ҳўжалиги учун 144 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Қорхона энг барқарор ишлаётган ишлаб чиқариш ишоотидир. Биргина факт: йил бошидан бўён бу ерда 2 млрд. 718 млн. сўмлик иш бажарилди. Олинган соф фойда 300 млн. сўмга етди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 100 минг сўмдан кам бўлмаяпти.

АНДИЖОН ВАГОНЛАРИ

Бундай ютуқларнинг омили нимада? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, изланиб ишлаш тамойили ходимлар учун қўндалик эҳтиёж. Ҳар йили янги маҳсулот турини ўзлаштириш, иш сифатини яхшилашга доир тақлифлар устида ишлаш бу ерда оддий жараёнга айланган. Бунда ҳамма тенг изланади. Ходим яхши тақлиф учун рағбатлантирилади.

Бу ерда 2003 йили вагон-цистерна ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Шундан бўён буортмачиларга 70 та ана шундай маҳсулот етказиб берилди. Бу йил 50 та вагон-цистерна тайёрланди. Уларга хоржид ҳам қизқиш катта. Лекин Ўзбекистон эҳтиёжини қондириш асосий масала бўлиб турибди. Шу боис янгиларини ишлаб чиқариш билан бирга йилга 150 та вагон-цистерна таъмирланмоқда. Айрим қисмлари янгиланган, вагонларнинг хизмат кўрсатиш муддати 16 йилга узайтириляпти.

Шу йилнинг феврал ойидан икки янги автомобиль ташийдиган платформаларни модернизациялаш ишлари бошлаб юборилди. Натихада МДҲ давлатлари орасида илж бор очик платформаларни симтўрлар билан ўраш, бу билан уларни хавфсиз ҳолатга келтириш, автомобилларни бешиқаст ташийш имконияти яратилди. Ҳозиргача шундай вагонлардан 30 таси темирйўл компаниясига етказиб берилди. Йил охиригача яна 35 та платформа янги кўринишга эга бўлади.

Изланишлар давом этмоқда. Айни вақтда Андижонда ярим очик ва ёпик вагонлар ишлаб чиқариш ҳаракати бошланган. Конструкторлик ва ҳисоб-китоб ишлари ниҳоясига етиб қолди. Бу режа ҳам амалга осса, йилга 60 та ярим очик ва 50 та ёпик вагон ишлаб чиқариш имкони бўлади.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамғали маҳсулотлар кўпайса қандай яхши.

Қорхонанинг Пахтаобод филиалида эса шу йилнинг ўзида иккита участка иш бошлади. Уларнинг биринида гилдираклар йиғилади, иккинчисида эса таъмирланадиган вагонлар пўлат соқчалар ёрдамида тозаланиб, бўлади.

— Юртимиздаги тинчлик ва осийишталик бизга изланиб ишлаш имконини бермоқда, — дейди қорхона раҳбари Фарҳоджон Қобулов. — Тинчликка раҳна солмоқчи, бизни танлаган йўлимиздан қайтармоқчи бўлган галямислар ниҳтига етолмайдилар. Биз бунёдкорлик йўлидан бориб, юртимизни янада обод қилаверамиз. Мустақилликни пешона тери — меҳнатимиз билан мустақамқалаймиз.

И. ЗАМАНАЗАРОВ,
Н. ЭРГАШЕВ



ОСОЙИШТАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Кексалар дуога қўл очганида аввало олоҳдан тинчлик, хотиржамлик сўрашади. Зотан тинчлик, осийишталик, кўнгил хотиржамлиги, бағри бутунлик бебаҳо незматдир.

Андижон шаҳрида содир бўлган фожеали воқеалар барча эзгу ниятли инсонлар қалбидан нафрат туйғусини уйғотди. Манфур кимсаларнинг таҳдиди туйғайли беғуноҳ одамлар қурбон бўлди. Яширишнинг ҳолати йўқ, содир этилаётган жиний ҳаракатларнинг иштирокчилари осмондан тушаётгани йўқ. Уларнинг разил ниятларини амалга оширишига маҳалла-кўйдаги бепарволик, айрим ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятида қатор камчиликлар борлиги ҳам

сабаб бўлади. Бундай иллатларга барҳам бериб, дўст-душмани яхши таниб, тинчлик учун курашмоғимиз керак. Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жойларда хавфсизликни таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда маҳалланинг ролини оширишга эҳтибор қучайтирилиши зарур.

Ўзбекистон конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эҳтиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эҳтиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», — дейилган. Шундай экан, виждон эркинлиги

демократиянинг ажралмас бир бўлаги десак муболага бўлмайди. Жиноятчилар ислом динини ўзларига никоб қилиб олишган. Аммо ҳақиқий диндор билан мажбур жиноятчилар ўртасида катта фарқ борлигини халқимиз кўриб турибди.

Конституцияимизда тинчлик ва осийишталигимизга таҳдид солувчи иллатларнинг барчаси мамлакатимиз равнақи ва халқимиз этиқодига қарама-қарши эканлиги белгиланган. 1994 йили қабул қилинган Жиноят кодексидан ҳам терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар тинчликка, инсоният ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноят сифатида баҳоланади.

Бузғунчи ғояларнинг оқибатини ва бу йўл билан асло фаровон жамият қуриб бўлмаслигини билган киши албатта уларга мойил бўлган кишиларни ўз вақтида нотўғри йўлдан қайтармоғи лозим. Бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, қолаверса, бутун жамоатчиликнинг энг муҳим вазифасидир.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, терроризм, диний экстремизм тараққийдига қарши қаратилган жиноятдир ва у чегара билмайди. Юрт тинчилиги учун барчамиз масъулмиз.

Малика ҲАҚБЕРДИЕВА,
Қарши туман прокурори

2005 йил - сиҳат-саломатлик йили



Булбуллар хонишини тингламоқчи бўлсангиз

Камина сафару саёхатларга ишқибоз. Кўлаб тоғ қишлоқларда бўлганман. Қанчадан-қанча сўлим гўшаларда хордик чикарганман. Лекин умримда бир бор Тўполанг дарё соҳилидаги дала-ҳовлида булбул навосини эшитганман, холос. Эсласам, хануз ўша дақиқалардаги завқ-шавқни туйрадим.

Яқинда хизмат тақозоси билан «Мироқи» сиҳатгоҳига бориб худди эрталар оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Бу гал нафақат булбул хонишини эшитдим, балки уни ўз кўзим билан кўрдим.

Мен ҳозирга қадар булбул фақат сўхидамда сайрайди, деб ўйордим. Бу масканда кечки пайт ёқимли бир овозни эшитиб, қулқоқларимга ишонмайдим.

— Булбул сайраётми? — деб сўрдим ҳамроҳимдан ҳайратимни яширолмайдим.

— Ҳа. — Шомда ҳам сайрайдими? — Бизда кундузи ҳам, ҳатто тунда ҳам сайрайверади, — жиламди у.

Эртаси кунни тоғ ёришиши билан ҳовлига сайрга чиқдим. Булбулларнинг шўх-шайн қўшиги аллақачон авжига чиққан эди. Беихтиёр овоз эшитилаётган ёнғоқ дарахти ёнида тўхтаб, булбул хонишини тингладим. Расм солиб қараб турсам, ногаҳон кўзим миттигина қушга тушди. Патларининг ранги яшил-зангори, тўши эса қўнғир-тўпроқ тусида. У булбул эди.

Бу жажоки қушчанинг сеҳрли қаҳчаки мени ўзига ром этган, бутун вужудим қулқоқда айланганди. Қалбим қувонгга тўлди, қўларим қувнади, яйраб кетдим.

«Мироқи» Зарафшон тоғ тизмалари этагида, Оқсув дарёси бўйида жойлашган. Олисида Ҳазрати Султон тоғи салобат тўкиб турарди. Ёз чиласида ҳам оппоқ қор тарқ этмайдими.

Беҳжиз қайсидир шоир «Қор-қор билан учрашди бу тоғда» дея таърифламаган.

Пастда эса Ҳисорак тоғ омбори я-

таниб ётибди. Кунботарга қараб ўттиз чақирим юрсангиз қўна ва бетакорор шаҳар — Шаҳрисабзга борасиз.

Сиҳатгоҳ худуди 30 гектардан иборат. Аксарият қисми боғ-роғ, доғ-дарахт билан қопланган. Кўпроқ ёнғоқ, чинор, терак ўсади. Бир ёнғоғу, бир теракларки, танаси қучоққа сиғмас. Бир теракларки, нақд кўк билан бўйлашман дейди.

— Бу маскан 1973 йилда «Қарши-строй» деб аталган йирик қурилиш ташкилотининг дам олиш уйи сифатида барпо этилган, — дейди сиҳатгоҳ бош ҳақими Тўлқин Турдиев. — Тўқсонинчи йиллар бошига келиб қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилган, сиҳатгоҳга айлантирилди. Ишни дастлаб атрофини ёпиб олишдан бошладик. Аста-секин 2 та икки қаватли бино таъмирдан чиқарилди.

Бешта коттеж фойдаланишга топширилди. Ҳозирда қолган биналарда ҳам қайта қуриш ишлари кетаяпти.

— Демак, яна анча-мунча қўшишча ўринлар яратилар экан-да.

— Ҳозирча сиҳатгоҳимиз 130-150 ўринга мўлжалланган. Аммо ёз мавсумида дам олувчилар сони анча кўпаяди. Шўртанкима, Навоийазот маҳмуалари, Самарқанд чини заводи, Муборак ва Бухоро газ корхоналари билан тўғридан-тўғри шартномаларимиз бор. Янги биналар ишга туширилгач, бу борадаги муаммо бартараф этилади.



«Мироқи» асосан юқори нафас йўли, асаб ва юрак қон-томир тизими касалликларига чалинганлар хордик чикаришига ихтисослашган.

Дам олувчиларнинг соғлигини муштаҳамлаш учун 25 турдаги муолажалар қўлланилади. Бу борада тоғ гилёҳларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун, қора дулана юракни бақувват қилади. Қизил зирк эса қон босимини мўтадиллаштиради.

— Бу еринг об-ҳавоси минг дардга даво, — дейди яқкабоғлик дам олувчи, меҳнат фаҳрийси Азим Мирзоев. — Бир келган одам яна келишни ҳавас қилади. Ҳазимнинг бешинчи марта келишим.

Айтишларича, бир олим ёзда катта шаҳардан «Мироқи»га келиб дам оларкан. У кўпроқ вақтини

«МИРОҚИ» СИҲАТГОҲИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

Оқдарёда чўмилиш билан ўтказаркан. «Домла, сиҳатгоҳда тиббий муолажалар ҳам кўп-кў, нега сиз эртдан кечгача сўвдан чикмайсиз» дейишса, «Энг зўр муолажа шу-да. Оқдарёнинг суви юракни табиий массаж қилиш хусусиятига эга» деб жавоб бераркан.

— Бу йил «Сиҳат-саломатлик йили». Шу муносабат билан қандай савоб ишларга кўл ўргансанлар, — қизикдик.

— Қарилар ва ноғироларга таҳминан 2 миллион сўмлик йўлланмаларни бепул беришни режалаштирганмиз, — дейди бош ҳақим. — Бундан ташқари, озик-овқат маҳсулотлари таъминоти ва сифатини яхшилаш, нарҳини аранлаштириш мақсадида картошка, помидор, нўжат, асалетиштиришни ўзимизда йўлга қўйдик.

«Мироқи» сиҳатгоҳида гарчи бир ярим кун бўлган бўлсам-да, қушдек ёнгли бўлиб қайтдим.

Қурбон ЖУРАНАЗАРОВ, «Ниҳуқ» муҳбири

ИБН СИНО ВОРИСЛАРИ

Ўтган йили август ойлари эди, чамамда. Кечки пайт рафикам «Тез ёрдам» чақиринглар. Ўтирсам ҳам, ётсам ҳам чидаб бўлмаётми, ҳаммаёғим зиркираб оғриятми» деб шикоят қилиб қолди.

Уни вилоят шосилинч тиббий ёрдам маркази нейрохирургия бўлимига ётқизди. Бирок, икки кун ўтса-да, анёқ таъхис қўйил-шолмади. Бемор туни билан ухламай юриб чиқайтгани, дорилар кор қилмаётганини айтиб нолирди. Врачлардан бири (исмини эслай олмаيمان) «Ака, Андижон клиникасига олиб бори» дея маслаҳат берди. Клиниканинг вертебродология (умуртақпоғонасида асаб толаларини даволаш) бўлимига, профессор Олимжон Абду-ҳоқилқовга учрадим. Ўша кўниёқ компютерли таъхис аппаратида умуртқадан ўтган асаб толаси шишганини аниқлаб, жарроҳлик йўли билан даволаш зарур деган хулосага келишди.

Операцияни бўлим бошлиғи профессор О.Абдуҳоқилқовнинг ўзи ўтказди. Хотиним шифо топди. Ушанда уни йўлдан бориб юриб, клиникада беморларга яратилган шарт-шароитларга, қўли ёнгли врачу ҳамшираларнинг қуёнчаллигига ҳавас қилдим. Қани эди ҳамма шифо масканларида ҳам нафақат дардга, дилга малҳам бўла олсалар! Юртимиздаги етакчи шифо масканларидан бири Андижон давлат тиббиёт институтининг Ю.Отабеков олиб клиникаси таъриф-таъсифга муҳтож эмас. Унда нафақат водий, бошқа вилоятлар, қўшни мамлакатдан келган дардман-длар шифо топиш-япти. Шу боис клиниканинг бош врачлари М.Тўхтабоев билан сўхбат-лашишга қарор қилдим.

— Аввало шифохона тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз. — Клиникамиз пойдевори ўтган асрнинг 60-йиллари охирида қўйилган. 1971 йили биринчи блок ишга туширилган. Кейинги беш йил мобайнида яна саккизта блок қуриб битказилган. 1977 йили эса 280 қатновга мўлжалланган маслаҳат-полиликликка иш бошлаган. 1985 йили эса...неология - физиотерапия бўлимига биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозир клиникамиз 16 гектар ерни эгаллаган.

— Андижон клиникасида даволандим десалар, ўз-ўзидан демак дарддан бутунлай фориг бўлибди, деган гап ўтади киши кўнглидан. Юртимизда, айниқса водийда шифохонанинг мартабаси, обу-эйтибори шунчалик юқори...

— Клиникамизда қарийб барча турдаги касалликларни даволаш имкониятлари яратилган. Бизда фақат тўғруқона, болалар юқумли касалликлари бўлими йўқ, холос. 25 та даволаш бўлиmlаримизда ҳам назарий, ҳам амалий билимларни эгаллаган юқори малакали врачлар, профессорлар, фан номзодлари беморлар хизматига. Айни вақтда бирварақайига 180 киши ётиб даволаниши мумкин. Клиникамиз базасида Тиббиёт институтининг 18 та кафедраси фаолият кўрсатапти. Республика Лимфология маркази, Вертебродология марказида назария билан амалиёт уйғула-шиб, даволанишнинг энг замонавий усуллари қўлланиляпти. Водийда ягона юрак қон-томир жарроҳлик бўлимида юракни очик операция қилиш бўйича тайёргарлик ишлари ниҳоятга етказил-япти. Жарроҳлик, урология, офтмология, ЛОР, нейрохирургия, вертебродология, неврология, ички касалликлар йўналишларидаги кафедра мудирилар, профессорлар А.Уринов, А.Шодмонов, А.Икромов, О.Саложидинов, Т.Жумабоев, М.Толиповлар ўз соҳаларида даволаш-диагностика услубларини яратган ва такомиллаштир-ган олимларимиздир. Улар назария ва амалиётни қўшиб олиб боришяпти. Илмий изланишлар, талабаларга сабоқ бериш билан бирга беморлар дардига малҳам бўлишяпти. Рентген-радиология бўлими энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Радионую-ид (изотоплар) асосида диагностика амалга оширилиб, анёқ таъхислар қўйилмоқда.

МРТ-компютер таъхиси водийда ягона бўлиб, диагностикада қўлланиляпти. Ультратовушли, рентген диагностикаси, функ-ционал диагностикада замонавий ускуналардан фойдаланиляпти. Юқори кислород босимида даволаш, буйрак тошини майдалаш каби аппаратлар ёрдамида беморлар шифо топишмоқда. Нейро-хирургия бўлимида бош миёна операцияси ўтказилляпти. Бир сўз билан айтганда, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган барча имкониятларга эгамиз.

Барча бўлиmlаримиз компютерлар билан таъминланган. Локал ёки ёпик компютер тизимини ишга тушириш тадбирлари қўрилмоқ-да.

— Билишимча, клиникада бепул ва пуллик хизмат йўлга қўйил-ган...

—1998 йил 10 ноябр кўнги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги президент фармони иловаси-га мувофиқ айрим даволаш муассасалари боқимча-боқимч ўз-ўзини молиялаштиришга ўтади. Шу жумладан клиникамиз ҳам. Ҳозирги кунда хизматларимизнинг эллик фоизи пуллик, эллик фоизи бепул. Хар иккала тоифадаги даволанувчиларга бирдэй шарт-шароитлар яратилган.

— Касални даволашдан кўра олдини олиш осонроқ кечади, дейдилар...

— Бу йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Шу асосдаги дастуриимизда профилактика ишлари, яъни турли касал-ликларнинг келиб чиқиш сабабларини тўшунтириб, олдини олиш учун йўл-йўриқ ва тавсиялар бериб боришга, матбуот, телевиде-ние орқали қишларга кенг ўрин берилган. Шифокорларимиз бу борада фаол иш қилишяпти. Аввало ҳеч ким давонлигига муҳтож бўлиб қолмасин. Шифокорларимиз муҳтожларнинг дардига мал-ҳам бўлиш, соғайиб кетиши учун малакали хизмат кўрсатишди.

Исроил ИБРОХИМОВ, «Ниҳуқ» муҳбири


2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан фуқароларнинг соғлигини сақлаш, аиниқса ёшларимизга тиббий хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Чилонзор туман прокуратураси томонидан тумандаги барча таълим муассасаларида «Фуқароларни соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган текши-ришларда ёшларимизга тиббий хизмат кўрсатиш қониқарли эмаслиги аниқланди.

Тумандаги кўпчилик таълим муассасаларида тиббиёт хоналарини тиббиёт жиҳозлари билан таъминлангани етарли даражада амалга оширилмаган. Соғлиғи бўйича тиббий рўйхатга олинган ўқувчилар ва тарбияланувчиларни соғ-

ломлаштириш тадбирлари ҳам ўз вақтида олиб борилма-ганлиги аниқланди. Текшириш натижаси бўйича туман худудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ва туман халқ таълими бўлими мудири номига таълим муассасаларида таъхил олаётган ўқувчи ва тарбияланувчиларга тиб-бий хизмат кўрсатиш борасида қонунбузилишларни бар-тараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан 20 нафар таълим муассасаси раҳ-барлари қонунбузилишга йўл қўймастик тўғрисида оғоҳ-лантириди ҳамда 25 нафар мансобоар шахс маъмурий ҳамда 5 нафар шифокор интизомий жавобгарликка тор-тилди.

К.ЖАВЛИЕВ, Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси



Саҳифаларимизда Хоразм вилояти прокуратураси органлари

минерал ўғит, 42 тонна ёнилиги етказиб бериш, 29 та техника олиб бериш, 20 млн. сўмдан ортик дебитор қарзини ундириш, 25 та ҳужаликни давлат рўйхатидан ўтказиб, банкларда ҳисоб-рақами очилишида ёрдам кўрсатилган.

— Дилшод ака, ўттиш даврда иқтисодиётнинг негизи бўлган са-



Хоразм вилояти прокурори Дилшод ИСРОИЛОВ билан сўхбат

Прокуратура — халқ хизматларида

ноат, молия ва банк соҳаси, шунингдек, ижтимоий соҳада айрим муаммолар юзга келиши мумкин. Уларни ҳал этиш учун прокуратура органлари қандай ишларни амалга ошироқда?

— Тўғри айтасиз, бу борада вилоят прокуратураси ўз йўналишига эга. Соҳага оид қонунлар талабидан келиб чиққан ҳолда прокуратура ташаббуси бўйича вилоят ҳокимлигида тadbirkorлар билан очик мулоқотлар ўтказилмоқда. Унда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органи, вилоят, шаҳар ва туман савдо-саноат палаталари раҳбарлари иштирок этишади. Tadbirkorларга ҳуқуқий ёрдам бериш ҳамда уларнинг фаолиятга маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органининг ноқонуний аралашувини, улар олдидаги муаммоларни бартараф этиш учун ёрдам бериш, қонунларни тушунтириш ишлари йўлга қўйилган.

Хусусан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича вилоят прокуратураси ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳи томонидан 2005 йилнинг 1-чорагида 3,3 млрд. сўмлик қарзларнинг камайтиши эришилди. Ижтимоий соҳада ўтказилган текширишларда асосий эътибор ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида тарқатилишига қаратилиб, уларнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича судларга 877 млн. сўмлик 12.205 та ариза берилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

— Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳам ишсизлик мавжуд ва бунга жиддий муаммо сифатида қараляди. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳамолияси борасидаги ишларнинг аҳоли қандай?

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, вилоят аҳолисининг 736.100 нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, шундан 486.200 таси иш билан таъминлан-

ган. Вилоятда 100.000 нафардан ортик киши ишсиз бўлса-да, меҳнат бўлимларида 49.000 нафари рўйхатга олинди, шундан 10.000 тасига ишсизлик қақаси тайинланган. Муаммони ҳал қилиш усулларида бири ишчи кучини чет элга юбориш бўлиб, фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш ваколати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлигига берилган. Агентлик томонидан вилоятга 1995—2002 йилларда атиги 347 та квота ажратилиб, йилига ўртача 43 киши чет элга ишга юборилган ҳолос.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятдаги ишсизларнинг 6000 на-

ча ҳўжалик ҳисобидига минтакавий бўйролар ташкил этилди. Айни пайтда улар Тошкент, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда. Урганчда ҳам шундай бюро ташкил этилса, ишсизликни камайтиришга таъсир кўрсатган бўлар эди.

— Вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.


Хоразм вилояти прокурори Дилшод ИСРОИЛОВ билан сўхбат

Прокуратура — халқ хизматларида

фардан ортиги бошқа вилоят ва қўшни давлатларда норасмий равишда ишлаб келяпти. Бирок, вилоят прокуратураси 2003 йил феврал-март ойларида ўтказган ижтимоий сўровда биргина Хива туманида 5700 киши норасмий равишда Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда ишлаб юрганлиги аниқланган.

Вилоят прокуратураси томонидан кўрилган чоралар натижасида вилоятга Жанубий Кореядан ўртача ойлик иш ҳақи 600-800 АҚШ доллари бўлган 1000 кишилик квота ажратилишига эришилган бўлса-да, 2003 йили атиги 262 нафар, 2004 йилда 162 нафар фуқаро чет элга ишга юборилган.

Ҳозир Вазирлар Мақзамасининг «Ўзбекистон фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйи-



— Маълумки, Афғонистон иқтисодиётининг асосини наркотик моддаларини етиштириш ташкил қилади. Америка армияси Афғонистонда антитеррор тadbirkorларини ўтказган бўлса-да, кўкноризорлар йўқ қилинмаган, аксинча, олдинги йилларга нисбатан кўпайган. Хабарларга кўра, Афғонистонда 2005 йилда 131.000 гектар ерга кўкнор экилган бўлиб, 5000 тонна олий етиштириб, ундан тахминан 500 тонна героин олиш кўзда тутиляётган экан. Ушбу гиёҳвандлик воситаларининг бир қисми Ўзбекистон, жумладан, Хоразм орқали ўтилмайди деб ҳеч ким қаролат бера олмайди.

Шу сабабли жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда вилоят прокуратураси ташаббуси билан учта йўналишда иш олиб борилди.

1. Биринчи навбатда, гиёҳванд-

лик воситаларини ташувчи ва сотувчи кишиларни аниқлаш ва фош қилиш юзасидан тезкор тергов ишларини кучайтириш.

2. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг гиёҳвандликка аралашган ходимларини аниқлаб, жавобгарликка тортиш.

3. Гиёҳвандлик жиноятларига бепарво бўлиб келган аҳолининг ижтимоий фикрини ўзгартириш юзасидан тарбиот тadbirkorларига алоҳида эътибор қаратиш.

Кўрилган чоралар натижасида вилоятда қасддан одам ўлдиртиш, гиёҳвандлик, талончилик, товланчилик жиноятлари камайиб, ўғирчилик, босқинчилик олдинги йил даражасида сақлаб қолинди.

Жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган қонунда дастлабки тергов муддати 3 ой қилиб белгиланган бўлса-да, аксарият жиноятларнинг терговини 1 ойда тамомланаяпти.

Судлар томонидан судланувчининг шахси, оилавий шароити, қилмишига пушаймонлиги, етказилган зарарни қоплаганлиги каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиб, озоқликдан маҳрум этиш жазоси асосан қотилиб, босқинчилик, гиёҳвандлик жиноятларини содир этган шахсларга қўлланмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида Урганчдаги 6-тергов ҳибсохонасида сақланаётганлар сони 2-3 мартага камайиб, санитария шароити яхшиланди.

— Дилшод ака, сизнинг вилоят прокурори лавозимида хизмат қилаётганингизга ҳам 5 йилча бўлди. Уттиш даврда қилган ишлардан қўнглингиз тўғрисида? Прокуратуранинг назорат соҳаси кенг қамровли, лекин барча соҳаларни

Айниқса, Андижонда содир этилган хунрезликлар барчамизни янада хушёрроқ бўлишга ундади. «Камолот»нинг жойлардаги бошлангич ташкилотлари бундай иллатларнинг қайта содир бўлмаслиги учун фаол ва ташаббускор бўлишга қаратилган.

«Тенгдош тенгдошга» дастури асосида тadbirkorларни амалга оширишга киришди. Яқинда ёшлар ташкилотининг вилоят кенгаши мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Огоҳлик давр талаби» мавзусида жойларда 150 дан ортик анжуманлар ўтказди. Анжуманларда республика президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академияси кафедра мудири Абдуганни Холбеков, таниқли исломшунос ва таржимон Абдулазиз

Юртбошимиз «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин!» деган эди. Ишонч билан айтилган бу сўз ёшлар ташкилотни раҳбарлигида ташаббускорликни уйғотди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилоят бўлими кенгаши ҳар бир ўғил-қизининг юриш туриши, орзу ва мақсадларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ёшларнинг эзгу мақсади

Мансур, Фозилқори Есин ўғли, Тошкент Ислон университети ўқитувчиси Азимжон Гофуров, Ўзбекистон ФА тарих институтининг директори Дилором Фуломова ва илмий ходим Дилором Алимоваларнинг тақдир этилиши барчада катта таассурот уйғотди. Tadbirkorлар савол-жавобларига бой, фикр алмашув тарзида ўтди.

Ёшларга тушунтириляётган асосий нарсалардан яна бири шукки, диний экстремистлар ўрта асрлар-

да мавжуд бўлган халифаликни барпо этиш каби хом хаёлларда юрибдилар. Ваҳоланки, Турон замининда саккизинчи асрлардаёқ қорақонийлар, сомонийлар, газнавийлар, хоразмшоҳлар, темиррийлар, аштархонийлар, Хива, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирликлари халифаликка итоат қилмай мустақил равишда сиёсат олиб боришган. Ота-боболаримиз мустақиллик учун сарбадорлар, Жалолиддин Мангуберди, Наж-

Бунгай юрт бордир Кайра?

Ўзбек миллатига мансуб кишининг чет мамлакатда яшаб, у ерда қилган хизматлари ўша давлат раҳбарияти томонидан юксак даражада тақдирланганини эшитган эмасман. Бироқ жонажон Ўзбекистонда миллати, ирки, эътиқодидан қатъи назар, кимки фидокорона меҳнат қилса, албатта уни ҳукуматимиз муносиб тақдирлайди.

Мен ҳам гўзал диёримизнинг олтин воҳаси бўлиш Хоразмда туғилиб-ўсдим, ўқидим, камолга едим. Мана, узоқ йиллардан буён Хива шаҳридаги меҳрибонлик уйига раҳбарлик қилиб келаман. Юртбошимиз камтарона меҳнатимни улуғлаб, мени «Ўзбекистон қаҳра-

мони» унвони билан тақдирлади. Менга бу мукофотни топширишгаётганда ҳуқуқий-демократик жамият кириш сари дедил қадам ташлаётган ўзбек халқидан миннатдор бўлиб, кўзларимга ёш қалққан эди.

Мен хизмат тақозоси билан дунёнинг кўп давлатларида бўлдим. Ҳатто, миллатдошларим яшайдиган Жанубий Кореяда ҳам бўлиб қайтганман. Қаерда бўлмай 2-3 кун ичида Ўзбекистонни, Хоразмни соғиниб қолардим. Бунга, албатта, киндик қоним тўқилган заминга бўлган муҳаббатим, қолаверса, бу диёрнинг содда ва самимий, ҳар қандай мол-дунёдан одамгарчиликни устун қўвончи халқи сабаб десам муболага бўлмайди.

Истардимки, Ўзбекистон мустақиллиги дунё турғунча турсин. Истиқлол ҳар бир фидойи қалб эгасини муқаррарликка етказиши. Шундай экан, биз Ватан озодлигини кўз қорачиғида сақашимиз, уни авлодларга табарруқ мерос қилиб қолдиришимиз лозим.

Вера ПАК,
Ўзбекистон қаҳрамони

бир хилда назорат қилишда қийинчилик туғулмайдими?

—Менимча бирон ишни дундирдим деб қаноатланиш лоқайдликка етакловчи омилдир. Ҳақиқатдан ҳам назорат соҳаларимиз кенг қамровли. Ҳозир 1,4 миллиондан ортиқ вилоят аҳолисига 94 нафар прокуратура ходими бириктирилган. Шу сабабли вилоятдаги қонунийлик ҳолатига зарур даражада таъсир кўрсатиш учун ишни янгилаш услубларда ташкил этилган.

Ходимларни танлаш, тарбиялашда уларнинг касб маҳоратини ошириб боришга, инсонийлик фазилатини юксалтиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ходимлар Бош прокуратура ўқув маркази ва вилоят прокуратураси маҳкамасида маҳоратини оширяпти. Шунингдек, вилоят прокуратурасидан 3 нафар ходим АҚШда малакасини ошириб келди.

Прокуратура фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида компютер, ксерокс, факс ва бошқа замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиляпти.

Бундан ташқари Урганч шаҳар ва туманлар прокуратураларига жамоатчи ёрдамчиларни жалб этиш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш чоралари кўрилди. Шу билан бирга, ходимларнинг соғлом бўлишини таъминлаш, меҳнат самардорлигини ошириш мақсадида спорт билан шуғулланиш, санъат ва адабиёт намояндалари билан учрашувлар йўлга қўйилган.

Мана, республикамиз истиқлолининг 14 йиллик шоденаси ҳам яқинлашмоқда. Бу табарруқ санага прокуратура ходимлари қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаро, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш каби эзгу ишлари билан муносиб соғва тайёрлайдилар.

Мустақиллик шодённалари барчамизнинг руҳиятимизга теранлик бахш этаверсин!

«Ниқуқ» муҳбири
Эрпўлат БАХТ сўхбатлашди

миддин Кубро, Амир Темура, Пахлавон Махмуд, Дукчи Эшон, Чўлпон ва Фитратлар тимсолида курашишган.

Айни замонда дунё харитасининг салмоқли қисмини ўнлаб тили, урф одати, ҳатто миллати бир хил — араб бўлган араб давлатлари ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири мустақил равишда эркин суверен давлат сифатида сиёсат олиб бормоқда. Шундай экан, нега энди Ўзбекистон ўз мустақиллигини ўрта асрларда қолиб кетган халифалик ақидаларига топшириши керак?! Бу ҳеч қачон амалга ошмайдиган, халқимиз хоҳиш иродасига зид бўлган хомхаёлдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди! Зеро, ҳар бир ёш қалбдаги эзгу мақсад ҳам шудир.

Шухрат НАРБАЕВ,
«Камолот» ЕИХ Хоразм вилоят бўлими кенгаши раиси

Нақл қилишларича, бир донишмандан шогирдлари «Устоз, ҳаётда энг қадрли нарса нима?» деб сўрадилар.

Шунда муқаммал илм ва бой тажриба соҳибии шундай деган экан: — Болаларим, шунча йил яшаб шундай хулосага келдимки, дунёда тани сизатлик ва хотиржамликдан яхшироқ нарса йўқ экан.

Уйлаб қарасангиз, дарҳақиқат шундай. Жони соғ, кўнгли хотиржам кишигина улғу ишларни қилишга қодир. Афсуски, орамизда нафақат оила ва маҳалла тинчлигига, балки эл-юрт осойишталигига раҳна солишга уринувчи кимсалар, физку фасодни касб қилган галамислар ҳам йўқ эмас.

Юртбошимиз қачон ва қаерда бўлмасин, барча муаммоларни амалдаги қонунларга таяниб, адолатли ҳал этишни, огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан

ЁМОНЛИҚДАН ЙИРОҚ БЎЛАЙЛИК

бермаслик кераклигини қайта-қайта ўқитиб келади. Андижондаги воқеалар президентиимизнинг ҳақ эканлигини, огоҳлик борасидаги тадбирлар мавсумий ёки пайсалга солинадиган иш эмас, аксинча, қундалик юмуш эканлигини яна бир бор исботлади. Уз навбатда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари зиммасига бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада қучайтириш маъсулиятини ҳам юкляди.

Айни кунларда Хива тумани ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва қорхоналарда шу мавзуда учрашувлар ўтказилмоқда.

Аҳолининг осойишталигини таъминлаш, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида аниқ режалар асосида иш олиб бориляпти. Аҳолини иш билан таъминлаш энг муҳим масала эканлигини эътиборга олиб, туманда меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Натияжада юздан зиёда киши доимий ва мавсумий ишларга қабул қилинди, қўлаб ёшлар қўшимча мутахассисликлар бўйича касб ўрганишга жалб этилди. Жойларда ҳуқуқшунослар, «Камолот»нинг туман бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари, меҳнат ва уруш ветеранларининг битирувчилар билан ўтказиляётган учрашувларида тартиб-интизом, касб-кор эгаллаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўричишининг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Бунда ёшлар учун етарли шарт-шароит яратилиш жуда муҳимдир. Туманда спортга ихтисослашган мактаб, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда жойларда уларнинг филиаллари фаолият кўрсатаётганили ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўл келаяпти.

Туман прокуратураси ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда амалга оширяётган яна бир муҳим иши — аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тартиб қилиш, кишиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлардир. Зеро, қонунни билган киши адашмайди, панд емайди ва турган гапки, тутган йўли қонунга зид эканлигини англаб етган киши ёмон мақсадни албатта тарк этади.

Раҳматжон ХУСАИНОВ,
Хива туман прокурори



Кўклам чоғи эди. Қишининг соғуғи ҳали кетмаган. Шундай об-ҳаво ҳукмрон бир даврда сахардан бекатда гужанақ бўлиб ўтириб олган йигитни кўриб ўтган-кетганлар ҳайрон бўлишарди. Кимдир уни маст деса, кимдир дайди деб йўлда равона бўларди. Тонг отди, кун ёришди, офтоб тепага кўтарилди-ю, лекин бекатдаги йигит қилт этмади.

Соат ўн яримларда шу бекатда дўконча очиб қўйган она эшкини очаётиб, ўриндикда суюяиб ўтирган йигитга яхшироқ эътибор қилди.

Умр кушангаси

— Эй, яхши йигит, туринг, уйингизга бориб ухласангиз бўлмайдингиз? Нима бало, маст-мисисиз? Туринг дейман сизга!..

Йигитдан жавоб бўлмади. Олдинга уни маст-аласт шекилли, кечаси хурмачасидан тошгунча кели, уйини тополмай ухлаб қолган деб ўйлади сотувчи. У йигитнинг жилакурса хуррак отиб қўймаганига ажабланди. Ёнига бориб туртиб кўришдан ҳадиксирлади. Яқиндаги хонадонлардан бирига кириб, милицияга сим қоқди-да, Наврўз шаҳарчасининг «Шифокорлар» кўчасидаги автобус бекатида бир йигит маст бўлиб, ухлаб қолгани ҳақида хабар қилди.

Бир зумда милиция ходимлари етиб келди. Лекин милиционерлар ҳам йигитни туртиб, ўрнидан

тургазиб юборишининг урдасидан чиқишолмади. Чунки у ухлаб эмас, балки ўлиб ётар эди.

...Мурданинг шахси аниқланди. У 33 ёшда. Оилали, икки фарзанди бор, илгари судланган. Тиббий текширувда унинг 13-15 соат олдин вафот этганлиги аниқланди. Боиси — гиёҳвандлик. Оний истеъмол қилиб, заҳарланиб ўлган.

Афсуски, сўнги бир йил ичида биргина Урганч шаҳрининг ўзидан шунга ўхшаш ўнлаб воқеа юз берди. Кимдир бекатда, кимдир кўчада...

Улим — муқаррар, албатта. Лекин ҳар бир инсон узоқ умр кўриши нистайди. Ўзига осуда охиратни

тилайди. Сўнги нафасим чоғида олдимда яқинларим турсин дейди.

Шахарлик, ёши катта бир эркак ҳам наркотик модда истеъмол қилиб, заҳарланиш оқибатида шундай янчили ўлим топди. У захриқотил таъсирида эс-ҳушини билмай, шаҳардаги болалар бочғасига кириб йиқилиб қолади. Қоровул милицияга хабар беради ва гиёҳванд ўша кунни наркодиспансерда жон беради.

Эндигина 22 ёшга кирган, оила қуришга ҳам улгурмаган урганчлик З. исмли киз эса наркотик модда истеъмол қилган, бунинг устига спиртли ичимлик ичиб, тонги соат беш яримларда уйига келган ва ўзининг хонасида вафот этган...

Бир зумда адоғи кўриниб қоладиган ҳаёт синов ва сийловларга бой. Уларни қандай қабул қилиш, қай тарзда умр кечириш инсоннинг арқ-идрокига, маънавиятига боғлиқ.

Машариф САФАРОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Хоразм вилоят прокуратураси эришётган ютукларда айбдорнинг ҳам муносиб меҳнатини бер.

Масъулиятни ҳис қилиш зарур

Марказий банкнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан мониторингга олинган вазирлик ва уюшмалар тизимида жорий йилнинг 1 апрелигача иш ҳақидан қарздорлик 615 млн. сўмини ташкил қилган. Хусусан, «Ўзбекнефтгаз» тизимидаги пахта тозалаш заводларида бу рақам 98 млн. сўм, «Ўзкоммуналхизмат» қорхоналарида 96 млн. сўм, «Ўзгағрошсервис» уюшмаси машина-трактор парklarида эса 40 млн. сўмдан иборат.

Вилоятимизда иш ҳақидан қарздорлик келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўсиши, мансабдорларнинг қорхона молиявий ҳужжатларини тўғри юрита олмаслиги ва айни дамда тижорат банкларида нақд пулининг етишмаслигидир. Шундай бир ҳолатда мансабдорлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, пул-кредит сиёсати комиссиялари бу масалага юзак қараб келаяптики, натижада ишчиларнинг иш ҳақини вақтида ололмаётганлиги тўғрисидаги эътирозларига барҳам берилмаяпти.

Яна шунини таъкидлаш керакки, айрим раҳбарлар иш ҳақини тарқатишда сусткашликка йўл қўйишмоқда. Жумладан, 2005 йилнинг 23 апрелигача вилоят «Пахтаसानотсотиш» қорхоналарининг 20,5 млн. сўм, вилоят МТП бирлашмасининг 18,5 млн. сўм, «Урганч-Туямайин» сув қувуридан фойдаланиш бошқармасининг 10,5 млн. сўм, «Хоразмгазтаъминот» қорхонасининг 60 млн. сўмлик иш ҳақи вақтида тарқатилмаган. Вилоят прокуратураси аралашгач, «Пахтаसानотсотиш»

қорхоналарининг 23 млн. сўмлик иш ҳақи тўланиши таъминланди.

Бюджетдан маош олувчи ташкилотларда ҳам қонунбузилиш ҳолатлари кузатиляпти. Жумладан, Пит-нақ шаҳридаги 1-мактабнинг 61 нафар ўқитувчиси ва 19 нафар хизматчисининг 2004 йил январ, феврал, март ойлари учун банкдан олинган иш ҳақи — 4,5 млн. сўмини мактаб директори талон-тарож қилиб юборган. Шу ҳолат юзасидан директор А.Йўлдошевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунга ўхшаш Хива туман ХТБ мудирини М.Отажонов, кассир А.Нуруллаев ва «Ўзсанотқурилишбанк»нинг Хоразм вилоят филиалига қарашли Хива туман бўлимининг мансабдорлари тил бириктириб, тумандаги 1, 17, 23 ва 29-мактаб ўқитувчиларига ўтган йилнинг ноябр-декабр ойлари учун тўланиши лозим бўлган 7,8 млн. сўмлик иш ҳақини ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан талон-тарож қилишган.

Йилнинг дастлабки чорагида вилоят прокуратураси органлари ўтказган текшириш натижалари бўйича қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 40 та тақдимнома, 2 та протест киритилди. 50 нафар шахс ёзма равишда огоҳлантирилди. Қўпол қонунбузилишлар бўйича 6 та жиноят иши қўзғатилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ходимларнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 187,6 млн. сўмлик иш ҳақини ундириш юзасидан 1075 та арiza берилди.

Баҳодир САРДОРОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

2005-yil 29-iyun

DOLZARB MAVZU

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 22 апрел кунги навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида пойтахтимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти замон талаби даражасида эмаслиги, кўпқаватли уйлارни бошқариш масаласи ҳамон муаммо бўлиб қолаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур йўналишдаги муаммоларга ечим топиш, соҳага доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Мираглам ака Мирзаев билан суҳбати пойтахт прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Ушбу йўналишда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган бўлиб, соҳага доир қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи тuzилган. Туман прокурорларига тегишли топшириқлар юборилган.

Президентимизнинг шу йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда шаҳримизнинг барча туманларида уй-жой мулкдорлари уюшмалари ташкил этилиб, уюшма раҳбарлари сайланган, Низомлари тайёрланган. Шунингдек, шаҳар УЖМШ уюшмаси фаолият юритиб келмоқда.

Жорий йилнинг феврал-март ойларида ҳар битта ширкатга бирлаштирилаётган уйлар сони 394 ширкат бўйича қайта кўриб чиқилди ва 428 та янги ширкатлар тuzилди. Бу ўзгаришлардан мак-



ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ МАСАЛА

сад, юртбошимиз таъбири билан айтганда, «ширкат раҳбарларини номига алмаштириш ёки улар хизмат кўрсатадиган объектлар сонини камайтиришдан иборат бўлиб қолмасдан», аҳолига замон талаби даражасида хизмат кўрсатувчи тизимни шакллантиришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ йил бошидан бошлаб коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш барча тижорат банклари бўлимлари орқали чекловсиз амалга оширилиб келинапти.

— *Мираглам ака, сир эмас, сўнги пайтларда уй-жой эгалари ва коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлар, хусусан, мулкдорлар ширкатлари ўртасидаги низоли ҳолатлар кўп учирамоқда. Ширкатлар фақат ўз ходимларига маош тўлаш билан овора бўлиб, оддий коммунал хизматлар учун ҳам маблағ йўқлигини рўқча қилишдан нарига*

ўтмайди деган мазмундаги эътирозларни ҳам эшитиб қоламиз.

— Аввало, шуни айтиш жоизки, айрим ҳолларда коммунал хизматлар учун баҳоларнинг асоссиз белгиланиши ва коммунал хизматларнинг талаб даражасида эмаслиги бор гап. Шунингдек, фуқароларнинг тўлов интизомига риоя этмаслиги ҳам. Яна бир сабабни айтиб ўтиш керак, айрим ширкатлар бошқаруви коммунал хизмат соҳасидан узок бўлган тасодиқий кишиларга топшириб қўйилган. Шу маънода, Президентимизнинг шу йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 11 февралдаги «Коммунал хизматлар таъмирларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорлари айни муд-

дао бўлди.

Айни пайтда ҳокимликлар ҳузурида тарифлар ва уй-жой коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар

Мисол учун, Мирзо Улуғбек туманидаги «Мустақиллик биринчи коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати мутасаддилари томонидан ширкатга тегишли 404.500 сўмлик моддий бойликларни ўзлаштирилганлиги аниқланган.

Мирзо Улуғбек туман прокуратурасига фуқаро Г. Мансурова «Тонг нури» уй-жой мулкдорлари ширкати 2004 ва 2005 йилнинг ўтган даври учун аҳолидан йиғилган коммунал хизматлар тўловлари ўзлаштирилганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этган. Ариза бўйича текши-

рашнинг бажарилганда, ҳақиқатан ҳам мониторинг юритувчи комиссиялар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шаҳардаги 9167 та кўп қаватли уйдан таъмирга муҳтожлари ҳомий ташкилотларга бириктирилган. Ҳомийлар томонидан пул маблағлари, қурилиш материаллари ва анжомлари ажратилган бўлиб, таъмирлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

— *Юрт ободлиги, халқимиз учун муносиб шарт yaratish йўлидаги жараёндан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга интилиб, иқтисодий жиноятларга қўл ураётганлар ҳам учраб қолмоқда...*

— Афсуски, шундай. Ўтказилган текширишларда айрим коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларида уй-жой биноларини таъмирлаш учун ажратилган ресурсларни талон-тарож қилиш, пул тушувларини ўзлаштириш каби ҳолатларга йўл қўйилаётгани аниқланаяпти.

риш ўтказилганда, ҳақиқатан ҳам аҳолидан коммунал хизматлар учун йиғилган 381.616 сўм қассага кирим қилинмай, талон-тарож қилинганлиги аниқланган. Бундай ҳолатлар бўйича туман прокуратуралари томонидан айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатилди.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шартноларни бартараф этиш тўғрисида 15 та тақдимнома, 1 та протест қилинди. Айбдорлар тегишлича моддий, интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилди. 168 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохлантилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 14 та жиноят иши кўзгатилди ва 13020,2 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилди.

Шавкат ЁДГОРОВ
суҳбатлашди

TADBIRKORLAR MANFAATI QONUN HIMOYASIDA



Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тadbirkorларнинг ривожини мамлакат иқтисодининг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлиги гаровидир. Ўтган даврда қилинган ишларнинг самараси ўлароқ, бугунги тadbirkor тўрт-беш йил олдинги тadbirkorдан ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши билан фарқ қилади.

бўлган ернинг бир қисмини уларнинг ихтиёрига бериб юбориб, «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги қонуннинг 12-моддаси (янги таҳририда 13-модда 5-банди) талаблари қўпол равишда бузилган. Мазкур моддада айтилишича, «Фермер хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас. Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин».

«Хуррам ота» фермер хўжалиги унга берилган ер участкаси

ган. Бундан ташқари, мазкур инстанция суди ўз қарорида «Хуррам ота» фермер хўжалиги ортиқча ердан фойдаланиб келаётганини қайд этса-да, бунинг асосига эътибор қаратмаган. Иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги ва ҳал қилув қароридан баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатига мувофиқ келмаслиги Хўжалик-процессуал кодексининг 169-моддаси 2, 4-бандларига мувофиқ суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан қўришга асос бўлади. Шу-

Ер асепида кимники?

«Рустам Абдурахмат» фермер хўжалиги Чирочки тумани ҳокимининг 2003 йил 21 февралдаги қарори асосида давлат рўйхатидан ўтказилгач, унга собиқ «Мехнатобод» ширкат хўжалиги худудидан 25,5 гектар ер ажратиб берилди. Аммо бу ерни «Хуррам ота» фермер хўжалиги ноқонуний равишда эгаллаб олганлиги маълум бўлади. Шундан сўнг «Рустам Абдурахмат» фермер хўжалиги раҳбари Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат этиб, эгаллаб олинган ерни қайтаришни сўрайди. Адлия бошқармаси мурожаат асосида хўжалик судига «Рустам Абдурахмат» фермер хўжалиги ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб даъво кири-

тади. Қашқадарё вилоят хўжалик суди иш материалларини ўрганиб чиқиб, даъвони қаноатлантириш лозим деган қарорга келади. Суднинг мазкур қарори апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам ўзгаришсиз қолдирилади.

Иш материаллари суд мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинганидан кейингина якуний қарор қабул қилинган ҳақиқат қарор топганига шубҳа уйғотма-са-да, бирок унинг қанчаллик асослилиги масаласи муҳим ўрин тутади. Шу боис қабул қилинган барча қарорлар ва жавобгар тарафининг келтирилган важлари Бош прокуратура томонидан ўрганилганда даъво қаноатлантирилиши билан «Хуррам ота» фермер хўжа-

лигининг манфаатларига путур етказилганлиги суд эътиборидан четда қолганлиги маълум бўлди. Чунки «Хуррам ота» фермер хўжалиги 1999 йилнинг 18 ноябрда ташкил этилган бўлиб, туман ҳокимининг қарори асосида унга 60 гектар ер ажратиб берилган ва у шу пайтга қадар мазкур ерда фаолият кўрсатиб келган. Бу ҳолат туман ер ресурслари бўлими томонидан тайёрланган чизмада ҳам акс эттирилган. Лекин туман ҳокимининг қарори билан 2003 йили ташкил этилган «Рустам Абдурахмат», «Оқўзи» ва «Тошев Суён» фермер хўжалиқларининг ер майдони чизмаларини тайёрлаш жараёнида «Хуррам ота» фермер хўжалиги эгалигида

чегараларини ўзгартиришга розилик бермаган бўлса-да, туман ер ресурслари хизмати вакиллари ўзбошимчилик билан иш кўришган. Бу эса судлар томонидан жавобгарлик қонуний эгалигида бўлган ернинг «Рустам Абдурахмат» фермер хўжалигига асоссиз равишда олиб берилиб, даъвонинг қондирилишига хизмат қилган. Оқибатда «Хуррам ота» фермер хўжалигига қонуний тартибда ажратилган ер 60 гектардан 32,3 гектарга тушиб қолган. Кассация инстанцияси суди эса ер янги ташкил этилган учта фермер хўжалигига бўлиб берилгандан кейин ҳам «Хуррам ота» фермер хўжалигининг 60 гектарлик ерига тегилмаган деган нотўғри хулосага кел-

ларга кўра Бош прокуратура томонидан Олий хўжалик судига киритилган протест қаноатлантирилиб, иш Қашқадарё вилоят хўжалик судига янгидан қўрилиб, даъвогарнинг даъвоси рад этилди ва «Хуррам ота» фермер хўжалигининг ажратиб берилган ерга бўлган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Аммо эътиборсизлик оқибатида келиб чиққан оворағаччилик, кимматли вақтнинг йўқотилиши тadbirkorлар учун қанчага тушганлиги алоҳида маъзу.

Б. ҚУРБОНОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятдан

ХАМҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказилиши туфайли хилма-хил мулк шакллари вужудга келди. Солиққа тортиладиган субъектлар сони кўпайди. Иқтисодиёт ва солиқ тизими анча такомиллашди. Бироқ фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий билими етарли эмаслиги кузатишмоқда. Натيجада айрим корхоналарнинг раҳбарлари шахсий манфаатини кўзлаб, солиққа тортиладиган даромаднинг яширишга уринишяпти.

сан Марказий банкдан махсус лицензия олмаган. Фуқаролар билан жойлардаги маъсул ходимлари орқали «Доно кредит» номидан кредитлаш масалалари бўйича мулоқот олиб борган. Улардан кредит суммасининг 5 фоиздан 50 фоизга бўлган пулни олдиндан олиб, хусусий тадбиркор «Турсунов И.И.» номидан қабул қилганлар. Филиаллардан эса нақд пуллари И.Турсуновнинг ҳамза тумани С.Азимов кўчаси 63-уйдаги

тида 307 млн. 427 минг сўм нақд пулни қабул қилганлар. Бу маблағ банкка топширилмаган. Бюджетга солиқлар ҳам тўланмаган. 3 млн. 70 минг сўми ўзларига маош сифатида олишган. 77 млн. 883 минг сўмга миқозларга кредит тариқасида машина ва маиший техника сотиб олиб берилган. 18 млн. 807 минг



Икки ойлик «Муваффақият»

Бундай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖК департаменти органлари томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай тадбирлардан бирида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимиятида рўйхатдан ўтган «Доно кредит» МЧЖнинг фаолиятига чек қўйилди.

Аниқланишича, жамият раҳбари Илҳом Турсунов ноқонуний даромад олиш мақсадида кредитлаш тизимини жорий этган. Жамиятнинг виллоятларда ташкил қилинган филиалларидаги маъсул ходимлари билан тил бириктириб, улар орқали автомобил, йи-жой ва маиший техникаларни сотиб олиш учун тижорат кредитларини беришнинг реклама қилишган. Аммо МЧЖ ушбу фаолият билан шуғулланиш учун «Кредит уюшмалари тўрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асо-

офисига келтирилиб, миқозлар учун навбат билан ҳар хил корхоналардан автомобил ва маиший техника сотиб олинган ва уларнинг номига расмийлаштирилган. И.Турсунов ва шериклари миқозларга улар топширган пул билан олиб берилган машинанинг суммаси ўртасидаги фарққа йиллик 18 фоиздан устама тўлаш шартини кўйишган. Назорат қилувчи идораларни чалғитиш мақсадида миқозлар билан кредит шартномасини эмас, балки ижара шартномасини тўзганлар.

Ўтказилган текширишда мутахассис бўлмаган кишини ҳам ҳайратга соладиган ҳолатга дуч келинди. «Доно кредит» қисқа фурсатда, яъни икки ойлик фаолияти давомида товар-пул муомаласини амалга оширишда рекорд натижага эришган. Яъни И.Турсунов ва ҳамтоворлари фуқаролардан кредит бериш учун физ тўлови сифа-

сўм миқозларга қайтарилган. Қолган пулни шахсий манфаатига ишлатиб юборишган.

Бундан ташқари И.Турсунов хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб нафақат «Доно кредит», «Анос-Зилола», «Анасис-Ком» МЧЖларига ҳам раҳбарлик қилган. Етти ўлчаб бир кес дейди халқимиз. Ушбу нақлга амал қилмай, ўйламасдан қўйилган биргина қалтис қадам кишининг ҳаётини буткул ўзгартириб юбориши турган гап. Энди И.Турсунов ва шериклари ҳам жинояти учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

ҲАЛОЛ ТОПГАНГА НЕ ЕТСИН

Бугунги кўпчилик тадбиркорлар иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш

билан бирга ўзлари ҳам даромад олмақда. Халқимизни турли истеъмол товарлари билан таъминлаб, бозорларни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришмоқда. Афсуски, айрим тадбиркорлар ўз манфаатини кўзлаб солиқдан қочиб, даромадини яширишга уринади. Бошқармамизда ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилишларни аниқлаш мақсадида ўтказилган текширишларда қонунбузарлардан 391 млн. 356 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди.

Давлат бюджетига 2 млрд. 679 млн. 586 минг сўм жарима ундирилди.

Ходимларимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири нақд пул муомаласи билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир. Ўтган давр мобайнида виллоят бўйича 16 млрд. 244 млн. 372 минг сўм ноқонуний нақд пул айланмалари амалга оширилганлиги аниқланди. Қонунбузарларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, нақд пул айланмасига йўл қўйган хусусий корхона ва фирмаларга нисбатан 679 млн. 306 минг сўмдан ошқ жарима қўлланилди.

«Умид-Диму» корхонаси раҳбари М.Болиев 110 млн. 494 минг 500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини чакана сотиб, савводдан турган 2 млн. сўми банкка топшириб, қолган 108 млн. 497 минг

сўми шахсий эҳтиёжга ишлатиб юборди. Бундан ташқари 26 млн. 671 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўланмаган. Ушбу ҳолат юзасидан М.Болиевга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

Қарши шаҳрида жойлашган «Моҳир тол» масъулияти чекланган жамият раҳбари З.Мейлиев 2003 йил давомида 168 млн. 637 минг сўмлик маҳсулотларни чакана савдода сотади. Лекин пуллари назорат-касса машинасига киришмаган. Бундан ташқари, 5 млн. 637 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўланмаганлиги аниқланди. Натيجада, З.Мейлиев қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Юқоридагиларни келтиришдан мақсад жиноят йўлига кирган шахсларни нафақат ҳалол яшашга даъват этиш, балки қонунни бузиш яхшилиқка олиб келмаслигини яна бир бор эслатишдир.

Илҳом НИҒМАТОВ, Қашқадарь виллоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бошқармаси бошлиғи

ТОВАРИНИНГНИНГ ХУЖЖАТИ БОРМИ?

Навоий шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бўлими ходимлари томонидан «Тошкент-Навоий» йўналиши бўйича келаётган «Хатирчиюктранс» корхонасига қарашли «Мерседес-Бенц» юк автомашинаси тўхтатилганда, унинг юкхонасида Иброҳим Пиримов ҳеч қандай ҳужжатларсиз чет элда ишлаб чиқарилган 33 млн. 380 минг сўмлик товар моддий бойликларини сотиш мақсадида олиб келаётганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан И.Пиримовга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Шунингдек, тезкор маълумотларга асосан «Тинчлик» темир йўл станциясида текшириш ўтказилганда, фуқаро Саломат Абидова темир йўл станциясида жойлашган божхона ходимлари билан тил бириктириб, хорижда ишлаб чиқарилган 3 млн. 192 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1 млн. 812 минг сўмлик акция марказис спиртли ичимликларни тегишли ҳужжатларсиз Россиянинг Астрахан шаҳридан сотиш мақсадида олиб келаётганлиги аниқланиб, ушбу товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

О.ҲАМРОЕВ, Навоий виллоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бошқармаси катта инспектори



Наманган виллояти

да 2004 ва 2005 йилнинг ўтган 5 ойи давомида яширин иқтисодий фаолият юритиш орқали давлат ва жамият манфаатларига зарар етказишига қарши курашиш борасида олиб борилган тадбирлар давомида қалбаки фирмалар ташкил қилин-

Хуфиёна иш — келтирар ташвиш

ганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича 239 та жиноят иши кўзгатилиб, 318 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юритилган. Ноқонуний муомалада бўлган 85.236.200 сўмлик товарлар олиб қўйилиб, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 1.862.185.500 сўмлик зарарнинг 846.201.700 сўми ундириб олинди. Шунингдек, банк муассасаларига топширилмай муомалада юритилаётган 2.369.958.100 сўм ноқонуний нақд пул айланмасига барҳам берилди. Хусусан, чиғитдан ёғ ишлаб чиқарувчи 28 та, спиртли ва яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи 14 та, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 22 та яширин цех фож қилинди.

Кимдир бу рақамларни келтиришининг кимга кераги бор деб ўйлаши мумкин. Бу рақамлар замирида ходимларимизнинг оғир

меҳнати ётибди. Чунки жиноятни очиш осон эмас. Жумладан, Наманган туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бўлими, туман ИИБ ва ДСИ ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда Ровустон ўқшолоғида яшовчи Сиддикжон Худойбердиев уйда

спиртли ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланаётгани аниқланиб, у ердаги 500 литрдан зиёд виллоят, 700 та ярим литрлик шиша идиш, 89 та «Портвейн» ёрлиги, 90 та пластмасса қопқоқ, вино қўйиш учун мўлжалланган мослама ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Суриштирувда бу ашёлар С.Худойбердиев таъминотчи бўлиб ишлаган «Янгиқўрғон мева ва узумни қайта ишлаш» ОТАЖдан олиб келинганлиги маълум бўлди. Корхонада ўтказилган текширишда 62.280.900 сўмлик камомад борлиги аниқланди ва ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилади.

О.САДРИДИНОВ, Наманган виллоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бошқармаси катта инспектори

Энг самарали усул

Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, солиқ сибёатини амалга ошириш, валютани тартибга солишга доир тушунчалар бериш бориш зиммаимиздаги вазифалардир. Бу борада оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинаётган бўлса-да, кузатишлар фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда янада таъсирчан воситалардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 122 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 101 ҳолатда жи-

ноят, 21 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзгатилади.

Милиявий жарималар билан бирга қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммаси 3 млрд. 841 млн. 29 минг сўми ташкил этади. Хозирги кунга қадар ундирилган барча маблағларнинг миқдори 1 млрд. 447 млн. 595 минг сўми ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 252 млн. 404 минг сўмга кўп демакдир.

Бизга маълумки, ҳуқуқ-тарғиёт ишлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишининг энг самарали усули-

дир. Токи, тадбиркор, солиқ тўловчи, сотувчи ва истеъмолчи ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини, қонунлар моҳиятини тўғри англамас экан ҳуқуқбузарликлар содир этилаверад.

Солиқларни яшириб фойда топаман деган хато қилади. Қонун ҳар қандай гайриқонуний ҳолатга муросасиз бўлиб қолади.

Шавкат БҲУРОНОВ, Бухоро виллоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бошқармаси матбуот катта инспектори

UCHRASHUV

— Нуриддин ака, аввало ўзингиз ҳақингизда қисқача сўзлаб берсангиз.

— Бу саволни асосан ёш санъаткорларга кўпроқ бериш керак. Чунки ҳозир кўпчилик ёш санъаткорлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасан киши. Тўғри, тенқурларимга шарт эмас-у, лекин ёшларга ўзим ҳақимда сўзлаб беришим фарзидир. Мен 1946 йили Андижон вилоятида туғилганман. Дастлаб вилот театрида ишладим. Ўша вақтларда бу даргоҳ Йўлдош Охунбоев номли мусиқа ва комедия театри деб номланар эди. 1980 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланганман. Ўша йили вилотимизда филармония ташкил этилди. Унга ҳам қатнашиб юрганман. Театримиз турли шаҳарларга гастрол уюштириб турар эди. Кўпчилик мени кўшиқчи сифатида таншишга шубҳа қиламан. Аслида дастлаб театр артисти бўлганман. Кейинчалик кўшиқчилик санъатига ихлос қўйиб, катта қизиқиш билан шу йўналишда ижод қилдим. Асосан эстрада мени кўпроқ қизиқтирган.

Кўп вақт ўтмай филармонияга тўлиқ ишга ўтдим. Кўпчилик бўлиб янги ансамбл ташкил этдик. Ўша даврларда мумтоз куй ва кўшиқлар кўпроқ ижро этилар эди. Кўшиқларни най, дутор, аккордеон, гижжак жўрлигида айтганмиз. Миллий асбоблар билан замонавий асбоблар ёрдамида ҳам кўшиқлар ярата бошладик. Янги асбобларга бўлган қизиқиш сабабми, кундан-кун кучимизга куч қўшила борди. Қарангки, шу ғайрат билан 10 кун ичида 10 таянги кўшиқ яратишга муяссар бўлдик. Меҳнатимиз бесама қетмади. Ҳатто ТВ-1 каналда концертим намойиш этилди.

1985 йилда мени Тошкентда ишлашга таклиф қилишди. 1987 йили «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирландим. Шундан сўнг Тошкентда ишлаб бошладим. Мана, 1990 йилдан буён рафиқам ва 4 нафар фарзандим билан Тошкентда яшаб, ижод қиламан.

— Санъатдаги устозингиз ким бўлган, эндиликда сиз кимларга устозлик қилаёсиз?

— Аслида санъаткорнинг устози кўп бўлади. Авваламбор, ҳаётингиз ўзи бир муаллим экан. Қолаверса, инсоннинг камол топишида устозларнинг ўрни катта бўлади. Хеч ким ўзидан ўзи мутахассис ёки санъаткор бўлиб қолмайди. Андижон театрида ишлаб юрганымда мендан ёши катта актёр ва ҳофизларни устоз деб билганман. Бундан ташқари, ўша вақтда Андижонда ўринбой Нуралиев деган Ўзбекистон халқ артисти ишлар эди. Мен у кишидан доим санъат сирларидан сабоқ

олардим. Раҳматли Аббосхон Бакировнинг спектаклларда менга берган сабоқлари ёдимда мангу яшайди. У кишини танимаган инсоннинг ўзи йўқ. Шунингдек, Қамара Бунашева, Азиза Аминова, раҳматли Айсар Иброҳимов каби машҳур санъаткорлар менга устозлик қилишган.

Бугунги кунда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, самарқандлик Ваҳобиддин Баҳриев ва андижонлик Авазбек Маҳмудов менинг шогирдларимдир.

Вақт ўтиб, бутун ўзим ҳам устоз бўлганимдан беҳад мамнунман. Шогирдларимдан бири — ўзимнинг ўғлим Ойбек. Оллоҳ қанча умр берган бўлса, яна шунча йил устозлик қиламан. Яхши ном ва эзгу ишларимиз боқий бўлиши учун тириклигимизда ҳаракат қилишимиз керак.

— Мухлисларингиз: «Нуриддин Ҳамроқуловнинг кўшиқларини кам эшитаялмиз, у киши ҳали ҳам ижод қилиб турибдими?», — деб айтишяпти. Уларга жавобингиз қандай?

— Кўшиқ айтишни тўхтатиб қўйганим йўқ. Фақат оз бўлса ҳам сўз бўлсин деган мақолга амал қиламан, холос. Устозларимизнинг шанавадан ҳам санъаткор билан бирга ўлади деган гапи бор. Тўғри, бу гап одамга кўполроқ эшитилди.

уқадар юқори эмас. Борида, тириклигида инсоннинг қадрига етайлик, меҳнатига эътиборли бўлайлик, оқибатни унутмайлик дейманда.

— Ҳаётда кўшиқчилик санъатининг ўрни қандай деб ҳисоблайсиз?

— Мана бу саволингиз менга жуда ёқди. Кўшиқчиликнинг ҳаётда жуда катта ўрни бор. Кўшиқ одамни йиғлатиши, кулдирishi, хотираларни тиклаши, кўнгилларга малҳам бўлиши мумкин. Қаранг, баъзи кўшиқларни бутун жаҳон яхши кўриб тинглайди. Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётга берган таърифини кўпчилик яхши билади. Мен эса шундай таърифнинг бошқача шаклини кўшиқларга бераман. Беморларга куч, инсонга руҳий озуқа бўлмиш кўшиқни бундан ортқ яна қандай таърифласам бўлади?

Кўшиқ эшитмайдиган, ундан баҳра олмайдиган, умуман олганда кўшиқни эқтирмайдиган одам даҳшатлидир. Санъатни севмайдиган одамдан қабиҳ ишларни кутиш мумкин.

— Оила бошлиғи сифатида отанинг фарзанд тарбияси ва оилада қаттиққўл бўлишига муносабатингиз?

— Шахсан ўзим ҳам қаттиққўлман, аммо ҳақиқатпарварман. Оиладан ота қаттиққўл, кези келганда меҳ-

Мен кўшиқ айтиб

халқимга хизмат қилишдан асло чарчамайман. Баъзан ҳайрон қоламан, тўйда ҳориб-чарчаб кўшиқ айтиб, уйга қайтишимда яна кўшиқ эшитгим келади. Машинага ўтирганимда радионинг овозини кўтариб фақат «Машъал» тўлкини тинглайман. «Машъал»да маъноли кўшиқлар бериб борилади. Ёшингиз улғайиб борган сайин бошиқ ва ваазминроқ кўшиқ-



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

Оламни сақланг дўстлар!

Лекин унда маълум маънода ҳақиқат бор. Хар даврнинг ўз нафаси, санъаткори ва мухлислари бўлади. Замон ўтиши билан янги ижодкорлар етишиб чиқди. Эскининг ўрнига янги, қарилар ўрнига ёшлар келди.

Бу гапим билан бизни эшитувчилар қолмади демокчи эмасман. Чақирилмаган жойларга боришини ўзимга эп кўрмайман. Аввало, ўзини ҳурмат қилган инсонга, ўзбекчилигимизга ҳам тўғри келмайди. Юртимизда бўлиб ўтадиган катта байрамларга таклиф қилишса, йўқ деймай бораман.

Бугунги кунда бир жиҳатдан хафа бўлиб кетасан киши. Айтмоқчиманки, Россия, Германия, Италия каби давлатларда, айниқса Россияда И.Образцова, Зикина, Кобзон, Муслим Магомаев сингари санъаткорларга эътибор жуда юқори экан. Аммо бизда эътибор, қадр, оқибат сусайгандай. Масалан, юқоридан номлари келтирилган Россиянинг машҳур санъаткорлари саҳнага чиқса, халқ уларни гулдурос қарсақлар билан қарши олади. Назаримда, бизда улуг санъаткорларга эътибор

рибон бўлиши керак экан. Фарзандазиз, лекин одоби ундан ҳам азиз. Тарбияни бошидан тутмасангиз, ҳақиқат билан иш кўрмасангиз оила устуни мустаҳкам бўлмайди. Фарзандларим хато иш қилса, «Шу қилганинг виждонданми?» дея танбех бераман. Хеч қайси ота-она фарзандим ёмон бўлсин демайди.

Оила ва касбингизга меҳр қўйсангизгина меҳнатингизнинг роҳатини кўра оласиз.

— Тўйларда санъаткорларга пул узатиб, кўшиқларни такрор-такрор буюртма қилишларига муносабатингиз?

— Одамлар ўзига ёққан кўшиқни тўйларда ёнидаги бор пулини бериб бўлса-да, такрор-такрор айтириб, зерикмай тинглашди.

Шундай инсонлар борки, эртага оиласини қандай боқишини ўйламай, рўзгоридagi бор сарғи пулини кўшиқ тинглаш учун охири қилиб юборади. Тўйда уларга: «Кўйинг, нега бунчақиласиз, рўзгорингизни ўйламайсизми?», — дея олмайсиз-ку. Бир тўйда мухлисларимдан бири ўзи ёқтирган кўшиқни такрор айтишини илтимос қилди. Илтимосини рад қилмай, кўшиқни такрор-такрор айтиб берганимдан сўнг, у ўзи ардоқлаб парвариш қилган отини кўзида ёш билан инъом этмоқчи бўлган. Бундай инсонларни санъатнинг ашаддий мухлислари деб аташди.

— Кўшиқларнинг маъно ва савияси ҳақида нима дея оласиз?

— Маъно ва савияси ҳаминқадар кўшиқларнинг умри қисқа бўлади. Бундан ташқари, шундай кўшиқни айтиб чиққан санъаткорнинг обрўсига ҳам пугур етади.

лар кўпроқ ёқа бошлар экан.

— Бир пайтлар «Оламни сақланг, дўстлар!» деган кўшигингиз жуда машҳур бўлиб кетган эди. Унинг қандай яратилганлиги мухлисларни ҳали ҳам қизиқтиради.

— Адамасам, бу кўшиқ 1983 — 1984 йиллари дунёга келган. Кўшиқ шеврини ўқиб, мазмунига қўйил қолганман. Севги, муҳаббат ҳақидаги кўшиқлар инсон руҳиятига тезроқ таъсир қилади. Аммо Ватан ҳақидаги кўшиқларни яратиш ва халққа манзур қилиш қийинроқ экан. «Оламни сақланг, дўстлар!» кўшигининг шеврини марҳум Максим Каримов ёзган. Ўша вақтларда у Маданият вазирлигида бўлим бошлиғи эди. У киши вафот этган, рафиқаси менга шу шеърни олиб келган. Ўқиган заҳотим илҳомланганимдан шевринг куйи ўз-ўзидан кела бошлади.

Кейинчалик бу кўшиқ қанот ёзди. Шундан сўнг «Оққўш» кўшигини айтиб чиқдим. Хар иккала кўшиқда тинчлик, тотувлик ғояси акс этган.

— Баъзи санъаткорлар хорижий куйларга ўзбекча матнини қўшиб «кўшиқ» айтишяпти.

— Гурчнинг ичида курмага бўлганидек, санъаткорлар орасида ҳам шундайлар учраб туриши ачинарли ҳол. Бачкана гапларни хорижий мусикаларга мослаб кўшиқ айтишмоқда. Уларнинг нима дёвттанини ўзидан бошқа одам билмайди. Лекин баъзи ёшларга бу кўшиқлар манзур бўлаётганидан хафа бўлиб кетасан киши. Овози, истёвдоди, санъатдан билими йўқ, ҳатто одоб-ахлоқи йўқ санъаткорларнинг учраб туриши ачинарли ҳол эмасми?

— Ҳозир кўп санъаткорларнинг фарзандлари ота ёки онасининг касбини эгалламоқда. Ўғлингиз

Ойбек Ҳамроқуловнинг кўшиқлари ҳам кўпчиликка манзур бўлапти. Унинг санъатига устоз ва ота сифатида қандай баҳо бера оласиз?

— Ота-она хунарини фарзандлар эгаллаши асрий аъёналаримиздан ҳисобланади. Мен ота касбини давом эттираётган фарзандлар билан фахрланаман. Ўғлимда ота касбини танлашга ихтиёр ва ирода бор экан, бундан жуда хурсандман. Устоз сифатида у ҳали ўз устидан кўп ишлари керак дейман.

— Кўшиқчиликка эндигина қайдам қўяётган ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Уларга устоз сифатида бир маслаҳат бермоқчиман. Хар бир ёш санъаткор санъат илм даргоҳида тахсил олиши шарт. Даргоҳнинг нозик қирралари, қонун-қоидаларидан хабарсиз инсондан асил санъаткор чиқмайди.

— Ору ва режаларингиз қандай?

— Шу йил бир янгилик қилмоқчиман. Бу ҳақда ҳали ҳеч кимга айтмаган эдим, сизларга айтаман. Ойбекдан кичик Дониёр исмли ўғлим бор, у билан овозим ва кўринишимиз жуда ўхшайди. Айнан «Оламни асранг, дўстлар!» кўшигини худо хоҳласа Дониёр ўғлим ижросида эшитиб қоласизлар.

— Тилак ва истақларингиз?..

— Аввало дунё тинч, оилалар мустаҳкам, халқимизнинг турмуши фаровон бўлсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман. Орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин, фарзандларимизнинг камолини қўриб юрайлик.

«Нуқуқ» мухбири Гули ХОЖИБОВА суҳбатлашди



Нуриддин Ҳамроқулов ўғли Ойбек билан

SUD OCHERKI

«Пахтаобод» пахта тозалаш корхонаси директори Ҳамза Норбоев ва «Тинч» фермер хўжалиги раҳбари Н.Ўриновлар ўртасида ажойиб савдо бўлиб ўтади. Ҳ.Норбоев 53.000.000 сўмлик 267 тонна пахтани кўшиб ёзишга ваъда беради. Эвазига эса 2003 йил 31 июл куни «Дамас» машинани пора тариқасида олади. Эҳтиётдан машинани кўеви К.Баянов номига расмийлаштириб қўяди. Бундан ташқари Н.Ўринов 2003 йил сентябр ойида Ҳ.Норбоевнинг вакили Қаҳҳор Сулаймоновга 3.500.000 сўмни пора тариқасида беради. Бу билан қоникмаган Н.Ўринов «бизнес ҳамкор»га тегишли «Аҳмад» фермер хўжалигига ўзининг хўжалигидан ҳеч қандай асоссиз 8.500.000 сўм ўтказиб беради. Эвазига бир неча тонна пахта кўшиб ёзилади...

Пахта, пора ва «ДАМАС»

Мана, бир неча йилдики, Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги тўғрисида гап кетса, у ерда кўпчиликнинг чехраси тундлашади. Ўтган йили ҳам пахта тайёрлаш режаси олтмиш фоизнинг нари-берисида қолиб кетди. Нега шундай? Наҳотки имконият йўқ бўлса? Имконият ҳақида гап кетганда бир ҳолатни эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Вилоятда аграр соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, зовур ва дренажларни тозалаш учун йирик миқдорда маблағ ажратилган. Минерал ўғитлар, ёқилғи, техника таъминоти яхши йўлга қўйилган. Сув етказиб берилишидан нолиш ҳам ношукорлик бўлади. Шу ўринда битта фактни келтириб ўтиш ўринлидир. Вилоятда истеъмол қилинадиган электр энергиясининг ярмидан кўпроги насос станциялари ҳиссасига тўғри келади. Шундай экан, муаммонинг илдизи қаерда бўлиши мумкин? Яқинда саксон етти ёшли бир отахон билан суҳбатлашшга тўғри келди.

Отахон узок йиллар пахта етиштириш билан шуғулланганини, 65 центнергача ҳосил олганини айтиб, мени ажаблантирди. «Бу қачонги гап?», — дея сўрадим. Бундай муваффақиятга саксонинчи йилларнинг охирида эришилганини билган, у пайти шароит бошқача эди деб эътироз билдирдим. Важ сифатида экология ва ерларнинг шўрланганини айтдим. Отахон бу гапдан таъсирланиб кетди:

— Мен бир танти, ўзбекман. Ҳамма гап лафзи ҳалолликда. Бир ишни қиламан деб сўз бердингми, шу ишни сидқидилдан, бор кучинг ва фаросатингни ишлатиб охирига етказишинг шарт. Хозирги кунда баъзилар бизчалик меҳнат қилмай қўйишди. Ерни номига шудорлаган, яқоб бермаслик, ажратилган ўғит

ва ёқилғини сотиб юбориш, ўз вақтида экмаслик, парваришга эътиборсизлик билан қарагандан кейин қандай қилиб кўзланган ҳосилни олиш мумкин? Қип-қизил кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас бу ишлар. Энг ачинарлиси, ўзимизни алдаяпмиз. Улғаяётган ёшлар ҳам шундай товламачилиқлардан муқояса олмайди деб ким қафолат беради?

Бу гапларда жон бор. Сирдарё вилоятида сўнги йилларда вужудга келган вазиятнинг бош омилга ишга юзак қараш, кўшиб ёзишдир. Дарҳақиқат, юртбошимиз халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг 2004 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари сессиясида қуйидаги фикрларни баён этганди: **«Яратиб берилган шароитга қарамай, белгиланган режани ҳалол бажариш ўрнига айрим мансабдорлар томонидан кўзбўямачилик, сохта ҳисобот бериш каби хунук хатти-ҳаракатлар содир этилаётганлигига нима деса бўлади? ...Текширишлар натижасига кўра, пахта йингим-терим мавсумида кўшиб ёзишлар бўлгани аниқланган. Бу ишлар бўйича ҳозир тергов органлари текширув ўтказмакда ва айбдорлар албатта жазосини олади.»**

Бундай хатти-ҳаракат пахта тозалаш корхоналарида тез-тез учрагани боис, файриқонуний бойлик орттиришни кўзловчиларнинг пайини қирқишга тўғри келмоқда. Яқинда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судида Сардоба туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш корхонасидаги кўшиб ёзишга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Аслида бу жараён содир этилган жиноятларнинг фақат бир қисмигагина бағишланганди. Корхонанинг собиқ директори Ҳамза Норбоев ҳамда «Узоқов» номи пахта қабул қилиш пункти мудири Озодқул Зиёев ва Қаҳҳор

Сулаймонов «Тинч» фермер хўжалиги раиси Норбек Ўриновлар устидан бўлиб ўтган суд жараёни анча шов-шувга сабаб бўлди. Аслида нима бўлганди?

2004 йил март ойининг охирида нозорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг қарорига асосан «Пахтаобод» корхонасида текшириш ўтказилганда пахта тозалаш жараёни тўхтатиб қўйилган бўлиб, фақатгина «РХ» маркали агрегатгина ишлаб турарди. Маълум бўлишича, 123 қоп улюк заводга кириб қилинмай шу агрегатда тозаланаётган экан. Шоввозлар махсулотнинг 30 қопини аллақачон тозалаб, пресслаб, заводга 5-нав пахта толаси сифатида ИИБ томонидан корхонанинг «Узоқов» номи пахта саройидаги ўғирлик юзасидан ҳам жиноят иши кўзга тилинганлиги боис иккала иш бириштирилди. Урганиш жараёнида кўплаб эпизодлар аниқланди. Маълум бўлишича, Ҳамза Норбоев бошчилигидаги гуруҳ 94,1 тонна тола ва 46 тонна лентни ўзлаштириб, ўрнига 140 тонна улюкни тола сифатида расмийлаштирган. Улар жиноятини яшириш учун ушбу махсулотларнинг жойини тез-тез ўзгартириб туришган. Дастлаб, яъни 2002 йил 29 декабр кунин уларнинг бир қисми «Гулистон» пахта заводига вақтинча сақлаб туриш учун жўнатиб, қолган 112 тоннаси Боёвут разъездидаги вилоят пахта базасига кириб қилинган. Аммо ҳеч нарсага ярамайди улюкни тола сифатида харид қилувчи нодон харидор топиламади. Махсулотни сақлаб туришга мажбур бўлганликларининг сабаби эва, мабодо бирорта текширувчи келадиган бўлса «кўзини бўяб» жўнатиш эди. Уша йили «Волков» пахта заводи «Пахтаобод» корхонаси билан қўшиб юборилган, махсулотни

қайтадан завод ихтиёрига кириб қилишга мажбур бўлишди. Аксига олиб, шу пайтда «Ўзпахтасаноат» уюшмасидан заводда туриб қолган эски толаларни «Қамаши-ХБК» корхонасига кириб қилиш ҳақида топшириқ келади. Заводга келган вакиллар олишлари лозим бўлган толанинг аслида улюк эканлигини кўргач, сирлари фош бўлишидан кўрққан завод корчалонлари 2003 йил ҳосилдан 5-навли тола беришни ваъда қилиб, уларни кўндиридилар. Терговда буларнинг ҳаммаси фош бўлди. Етказилган 26.467.000 сўм зарар ундирилди.

Завод директори ҳужжатларни сохталаштиришда ҳам устаси фаранг экан. Масалан, 2003 йилнинг бошида 82 тонна толани ҳужжатда чиким қилишга муваффақ бўлган. Амалда эса той-той толалар завод омборида тахланиб тураверган. Мақсад бундан ҳам пул чиқариш бўлган. У уриб қолинган тола ҳисобига фермер хўжаликлари пахта кўшиб ёзишга уриниб кўрган бўлишича, Ҳамза Норбоев бошчилигидаги гуруҳ 94,1 тонна тола ва 46 тонна лентни ўзлаштириб, ўрнига 140 тонна улюкни тола сифатида расмийлаштирган. Улар жиноятини яшириш учун ушбу махсулотларнинг жойини тез-тез ўзгартириб туришган. Дастлаб, яъни 2002 йил 29 декабр кунин уларнинг бир қисми «Гулистон» пахта заводига вақтинча сақлаб туриш учун жўнатиб, қолган 112 тоннаси Боёвут разъездидаги вилоят пахта базасига кириб қилинган. Аммо ҳеч нарсага ярамайди улюкни тола сифатида харид қилувчи нодон харидор топиламади. Махсулотни сақлаб туришга мажбур бўлганликларининг сабаби эва, мабодо бирорта текширувчи келадиган бўлса «кўзини бўяб» жўнатиш эди. Уша йили «Волков» пахта заводи «Пахтаобод» корхонаси билан қўшиб юборилган, махсулотни

қайтадан завод ихтиёрига кириб қилишга мажбур бўлишди. Аксига олиб, шу пайтда «Ўзпахтасаноат» уюшмасидан заводда туриб қолган эски толаларни «Қамаши-ХБК» корхонасига кириб қилиш ҳақида топшириқ келади. Заводга келган вакиллар олишлари лозим бўлган толанинг аслида улюк эканлигини кўргач, сирлари фош бўлишидан кўрққан завод корчалонлари 2003 йил ҳосилдан 5-навли тола беришни ваъда қилиб, уларни кўндиридилар. Терговда буларнинг ҳаммаси фош бўлди. Етказилган 26.467.000 сўм зарар ундирилди.

Завод директори ҳужжатларни сохталаштиришда ҳам устаси фаранг экан. Масалан, 2003 йилнинг бошида 82 тонна толани ҳужжатда чиким қилишга муваффақ бўлган. Амалда эса той-той толалар завод омборида тахланиб тураверган. Мақсад бундан ҳам пул чиқариш бўлган. У уриб қолинган тола ҳисобига фермер хўжаликлари пахта кўшиб ёзишга уриниб кўрган бўлишича, Ҳамза Норбоев бошчилигидаги гуруҳ 94,1 тонна тола ва 46 тонна лентни ўзлаштириб, ўрнига 140 тонна улюкни тола сифатида расмийлаштирган. Улар жиноятини яшириш учун ушбу махсулотларнинг жойини тез-тез ўзгартириб туришган. Дастлаб, яъни 2002 йил 29 декабр кунин уларнинг бир қисми «Гулистон» пахта заводига вақтинча сақлаб туриш учун жўнатиб, қолган 112 тоннаси Боёвут разъездидаги вилоят пахта базасига кириб қилинган. Аммо ҳеч нарсага ярамайди улюкни тола сифатида харид қилувчи нодон харидор топиламади. Махсулотни сақлаб туришга мажбур бўлганликларининг сабаби эва, мабодо бирорта текширувчи келадиган бўлса «кўзини бўяб» жўнатиш эди. Уша йили «Волков» пахта заводи «Пахтаобод» корхонаси билан қўшиб юборилган, махсулотни

дафтари»га қайд этиб борган. Умуман «Узоқов» пахта қабул қилиш пунктига содир этилган қинғирлик оқибатида 60 млн. сўмлик 275 тонна пахта кўшиб ёзилган.

Энди эътиборингизни «Шароф Рашидов» пахта қабул қилиш пунктига қаратасан. Ҳ.Норбоев бу пунктга товаршуносликдан умуман қинғирлик оқибатида 60 млн. сўмлик 275 тонна пахта кўшиб ёзилган. Энди эътиборингизни «Шароф Рашидов» пахта қабул қилиш пунктига қаратасан. Ҳ.Норбоев бу пунктга товаршуносликдан умуман қинғирлик оқибатида 60 млн. сўмлик 275 тонна пахта кўшиб ёзилган. Энди эътиборингизни «Шароф Рашидов» пахта қабул қилиш пунктига қаратасан. Ҳ.Норбоев бу пунктга товаршуносликдан умуман қинғирлик оқибатида 60 млн. сўмлик 275 тонна пахта кўшиб ёзилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судида ушбу жиноят иши қўйилган. 2005 йил 12 май куни чиқарилган ҳукми билан саккиз нафар мансабдор жиноий жавобгарликка тортилди.

Умуман мана шу корхонадаги фирибгарликларга оид кўзга тилинган 6 та жиноят иши бўйича 28 киши жавобгарликка тортилди. 159 млн. 569 минг сўмлик зарар аниқланиб, тергов давомида 101 млн. сўми ундирилди.

Кези келганда мана шундай жиноятдан тап тормаган Ҳамза Норбоев ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтасан. У Тошкент тўқимачилик институтини тугатиб, кўп йиллар «Сардоба», «Турон», «Гулистон» пахта тозалаш корхоналарида раҳбарлик лавозимида ишлаб келган. Муқаддам бир неча бор судланган. 2004 йили Оқолтин туман суди томонидан ЖКнинг бир қатор моддалари бўйича судланган.

Эрқўн БОЙБЎТАЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

JINOYAT VA JAZO



«Қўлидагини олиб қўйинг»

Бу унинг сўнги сўзлари эди. Ажал чангалида бўлса ҳам ўзига эмас, яна кимгадир зиён-заҳмат етмасин дея хавотир олаётганди. Исломжон уни ерга ётқизди. Аҳмадали ака Дилшоднинг қўлини кайириб, учи ўткир игичка темирни тортиб оларкан, тўпланган ишчиларга қарата:

— Ҳамширани қақиринглар, «тез ёрдам»га хабар беринглар, — дея қичқирди. Тезда тиббий пунктдан етиб келган ҳамшира дастлабки ёрдамни кўрсата бошлади. Бироқ Фуломжон кўп қон йўқотган бўлиб, нафас ҳам олмасди.

Дилшод ҳали нима бўлганини англаб етишга улгурмаган Сожидаҳоннинг дастгоҳига яқинлашаркан: «Менинг йўлимда турганинг холи шу бўлади», — деди-да, кийиниш хонасида коржомасини кўча кийимларига алмаштириб, бамайлихотир ташқарига чиқиб кетди. Уни кўрган Аҳмадали ака Бахтиёрга қараб: «Анави болани тўхтат, кетвормасин», — деди...

— Марҳум ўғлим Фуломжон ювощ бўлиб, ҳеч ким билан жанжаллашмасди, — дейди жабрланувчи Исмоил Қодиров. — Мактабда 8-синфгача ўқиб, кейин банк коллежини тамомлади. Фаргона текстил комбинатида ишга кирганига эндигина икки ой бўлганди. Ўғлим ишхонасида биронтаси билан жанжаллашганини эшитмаганман. Бирон марта спиртли ичимлик ичиб, онасига гап қайтарганини эслай олмайман. Ҳали уйлантирма-гандик, тўғрироғи, шароитимиз йўқ эди. Ўзи ишлаб пул топгач, кейин уйланмоқчийди. Мактабда ҳам, коллежда ҳам биронта қиз билан гаплашганини билмайман...

Фуломжон ёлғиз ўғил, оиласининг боқувчиси эди. Исмоил ака қизи вафот этиб, икки неварасини қарамоғига олганди. Ишлаб туриб, институтда ҳам ўқиш орзуси эди. Ёлғиз ўғилнинг орзулари ота дилида армон бўлиб қолди.

«Фаргона тўқимачилик» акциядорлик жамияти 2-йигирув-тўқув фабрикаси 3-цеҳида ишлайдиган ҳамкасблари, устозларининг гувоҳлик беришича, у оғир-вазмин, одобли, ҳар қандай топшириқни бекаму-кўст адо этарди. Қотили эса унинг акси, 31 ёшда бўлса ҳам буйдоқ, чунки бирин-кетин уч марта судланиб, жазони ўтаб қайтганди. Яқинда корхонанинг 1-цеҳида уста ёрдамчиси бўлиб иш бошлаганди. Октябр ойининг ўрталарида дастгоҳни тўзатаётган эди, нотаниш бир қиз «Семён ака қаерда?» деб сўраб қолди. У устанинг хонасини кўрсатди-ю, қизнинг ортидан термулиб қолди. Олақарганинг ишқи бўлбўлга тушибди деганларидай, шу-шу ишга яқинда келган Сожиданинг ортидан соядай эргашига одатланди. Иш пайти дастгоҳларни тозалаётганида ёнига бориб гапга солар, йўлини тўсарди. Безор бўлган қиз охири Семён акага айтишга мажбур бўлди. У Дилшодни уришиб берди. Бошқа сафар уста ёрдамчиси Саидмамед тартибга қақириб, иш вақти заруратсиз бошқа цехларга кириш тақиқланишини эслатди.

Бироқ унга бу гаплар кор қилмасди. «Сен билан менинг ўртамаг тушадиганинг суробини тўғрилаб қўяман» деб қизнинг юрагига гулгула солиб қўйди. Цех бошлиғига арз қилмоқчи бўлган Сожида охир-оқибат фикридан қайтди. 2004 йил 13 декабр куни у яна қиз ишлаётган дастгоҳнинг ёнида пайдо бўлди.

— Унаштириб қўйилганман, мени тинч қўйинг.
— Ким экан ўша, гаплашиб қўяман!

Бу сафар қиз унга қаттиқроқ гапиришга мажбур бўлди. Жанжални эшитган уста ёрдамчиси Фуломжон ўртага тушди. Иккови зинадан иккинчи қаватга кўтарилишиди.

— Шахсий муносабатларингн ишдан кейин, кўчада ҳал қилинглар, — деди Сожидага қайтиб келган Фуломжон.

Ёш боланинг орага тушиши, ақл ўргатиши Дилшодга қаттиқ ботиб, ярасига туз селгандек бўлди. Дилига ўч олишни туғиб, бир чеккада ётган, ишлатишга яроқсиз узун темирни пичоқдай қилиб станокда ўтирлади. Эртаси куни соат эрталабки ўн яримларда курулини кўйинга яшириб, учинчи цехга йўл олди. Дастгоҳ олдида турган Фуломжонга юзма-юз бўлди-да, уни қўриб ўтирилиб кетмоқчи бўлган йигитнинг кураги остига темир тигни тикиб, сўғуриб олди. Ярадор икки-уч қадам ташлаб, йиқилаётганида қўлигидан тутиб, ерга ётқизишди...

Судланувчи Дилшод Социқовнинг тергов ва судда айтишича, Фуломжон гўё уни ҳақорат қилган. Ишдан кейин яккама-якка урушмоқчи бўлган. Дилшод урушмаганидан кейин «эркакмасан ўзи?» деб шаънини ерга урган. Шунинг учун темир билан қўрқитиб қўймоқчи бўлган... Бирок суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишдаги ҳолатлар у келтирган вақти инкор этди. Суд Д.Социқовни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Т.СИДДИКОВ,

Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

ENTYOT BO'LING, FIRIBGAR!

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Ҳар ким майдонга от солади, оти ўзган совринни олади дейишда кўпқари ҳақида гап борганда. Мактабни битириб, олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик

кўраётган ёшлар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Фақат бу ерда кўпқаридан фаркли равишда талабгорларнинг интеллектуал салоҳияти, билими асосий рол ўйнайди. Бу биринчи синфдалигимиздан мактабни битирганимизча муаллимларимиз қўлоғимизга қўйган, ҳаётда ўзимиз кўп бора исботини кўрган оддий ҳақиқат. Аммо беш қўл баравар эмас, орамизда мақсадга эришиш учун тўғри йўл қолиб, ўзини эгри йўлга урадиганлар ҳам учраб туради. Уларнинг ишончига кириб, пулини шилиб олган фирибгарларнинг ҳам борлигини ўйлангангиз, ё қудратингдан деб ёқа ушлайсиз.

Бир юмуш билан Сурхондарёдан Жиззахга бориш учун Тошкентга кетаётган автобуса чиққан Барот Алимов Алишер исмли йигит билан ёнма-ён ўтириб қолди. Узоқ йўлда ҳамроҳнинг дилкаш бўлгани яхши. Алишер шундайлардан экан. Гурунглашиб кетдилар. Уларнинг бу йилги об-ҳаво, бозордаги нарх-наво, бугун қилаётган иши-ую эртанги ташвиши ҳақидаги гаплари бизни қизиқтирмайди. Энг муҳими, бири Тошкентдаги юридик коллежга ўғлини имтиҳонсиз киритиш йўлини излаётганини (албатта текинга эмас) айтиб, иккинчиси унга танишлари орқали бу борада ёрдам беришини ваъда қилди. Ўғлининг бахти чопса ким ҳам қувонмайди дейсиз. Шу тариха манзилга етиб келгач, Б.Алимов анги таниши билан қуюқ хайрлашиб қолди.

Алишер пойтахтга келиб таниши Сергей Элемесов билан учрашиб, муддаосини айтди. Шу ўринда Сергейнинг илгари фирибгарлик жиноятини содир этиб, қамалиб чиққанини таъкидлаш жоиз. У Алишернинг таклифига жон деб рози бўлди. Орадан бир-икки кун ўтказиб, улар биргаликда Б.Алимовнинг ўғиллари Дилшод ва Социқ савдо қилаётган «Фарҳод» бозорига боришди. Алишер уларга Барот ака билан автобусда танишганини айтиб, Социқнинг мушқулани мана шу киши осон қилади, бу ёғини ўзларинг келишаверинглар дея Сергейни рўпара қилди. Ака-укалар дарҳақиқат отаси бу ҳақда хабар қилганини айтиб, «савдо»га киришди. Кўп ўтмай «беминнат ёрдам»нинг

баҳоси 850.000 сўм қилиб белгиланди. Шу ернинг ўзида Сергей дастлабки тўлов сифатида 100.000 сўмини санаб олди. Шу билан Алишер «ўйин»дан чиқди. Кейинроқ, Сергейнинг бир ўзи келиб, улардан бир гал 250.000, бир гал 500.000 сўмини олиб кетди. Сергей ака-укаларга ўзини «фирма юристиман» деб таништирган бўлса-да, аслида ҳеч қаерда ишламас эди. Табиийки, ғойибдан келгандек чўнтагига тушган пуллари ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Ўқув йили бошланиб, сентябр-октябр ойлари ўтса ҳамки, Сергейдан Социқнинг коллежга қабул қилинганлиги тўғрисидаги хушхабарни эшитмаган Алимовлар тоқати тоқ бўлиб, воқеа тўғрисида Тошкент шаҳар Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилишди.

Заррача яхшилиғи, заррача ёмонлиқнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Жиноят жазосиз қолмайди. С.Элемесовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Сергейнинг айбига тўлиқ иккорлигини, қарамоғида касал онаси борлигини, унинг қариндорлари жабрланувчиларга етказилган зарарни тўла қопланликларини инобатга олиб, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди унга ойлик маошининг 30 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Малик ЭСОНОВ,

Учтепа тумани прокурори ўринбосари

AFSUS

Инсоният генофондида таҳдид солиб, аллақачон дунё аҳлининг нафратига дучор бўлган наркобизнес вакиллари жинойий даромадларини кўпайтириш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмаслиги маълум. Бу тунфа мақсадига етиш учун ҳатто кексалар, норасида болалар ва аёлларни ҳам ўз қабоҳатида тортишдан ор қилмайди. Ачинарлиси, наркобизнес домига илинаётганларнинг аксари қилмишининг жиноят эканлигини била туриб шу йўлга бош сўқмоқдалар.

АТЛАС ИЧИДАГИ OFU

Бекободлик Рисолат (исм ўзгартиб берилмоқда) ҳам бу йўлни ихтиёрий танлаганлар тоифасидан бўлиб чиқди. Илгари ҳам содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган, амнистия туфайлигина озодликка чиққан бу аёл ҳамон героини сотиб бадавлат бўлиб кетишдай хомхаёлидан воз кечолмаган экан.

Героиннинг дарагини топди: уни аллақандай Насиба исмли аёлдан насияга олиш ва устига нарх қўйиб сотиш мумкин экан. Кўр кўрни қоронгида топади деганларидай, Рисолат ўша аёл билан тезда тил топишиб олди...

Целлофан пакетдаги оғуни қадоқлаб ўтирган, бу савдонинг фойдасидан бошқа нарсани ўйлашни ҳам истамаятган Рисолатдан агар «фарзандларингизни ҳам шу «оқ ажал» бир кун домига тортса нима қилардингиз» деб сўралса қандай жавоб қайтарар экан?

Бекобод шаҳри Алломиш кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи аёл кишининг героинфурушилка даҳлдорлиги ҳақидаги оператив хабар тасдиғини топди. Бу аёл ҳали озодликка чиққанига кўп бўлмаган Рисолат бўлиб чиқди.

Гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ва ўтказишда гумон қилиниб, ҳолислар иштирокида унинг уйида тинтув ўтказган ИИБ ходимлари атлас кўрпача қатидан махсус қадоқланган 1,56 грамм героин топишди.

Судда Рисолат уч нафар фарзандини, аёллигини преш қилиб енгиллик берилишини сўради. Тўғри, қонуларимиз инсонпарварлик билан йўғрилган. Лекин Рисолат каби оғуфурушлар уларини аёл, она деб аташга ҳақлими? Наҳотки у пуллаётган оғу кимларнингдир фарзандларини нобуд қилиши, хонадонини бузишига ақли етмаган бўлса?

Суд оғуфуруш аёлга муносиб жазо белгилади.

Қаҳрамон СУЛАЙМОНОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



КИБЕРТЕРРОРИЗМ

«Қора ях: кибертерроризмнинг кўринмас хавфи» китобининг муаллифи Ден Вертоннинг таъкидлашича, бугунги кунга келиб аксарият террористик гуруҳлар интернетда разведка маълумотларининг базасини яратишган. Бу базадан хуружларга тайёргарлик кўришда фойдаланилади. Масалан, маълум бўлишича, Япониядаги «Аум Синрикё» террористик гуруҳи 1995 йили Токио метросида газ хужумини ўтказишдан олдин махсус компьютер тизимини ишлаб чиққан. Мазкур тизим полиция радиостанциясидаги хабарлар ва полиция автомобилларининг йўналиш чизмаларини кузатиб турган.

АҚШдаги терроризмни ўрганиш марказининг мутахассиси Дороти Ден террорчиларнинг интернетдаги фаолиятини куйдагича таснифлаш мумкинлигини айтади: «активизм», «хакеризм» ва «кибертерроризм». Активизм — гоёларни тарғиб қилиш, маблағ топиш ва янги аъзоларни жалб қилиш мақсадида интернетдан фойдаланиш. Хакеризм — махфий маълумотни кўлга киритиш, маблағни ноқонуний ўзлаштириш ва ҳоказоларни амалга ошириш мақсадида компьютер тармоқлари ёки интернет сайтларини ишдан чиқаришга қаратилган хакерлик хужумлари. Кибертерроризм — инфоромацион инфратузилмаларнинг ўта муҳим объектига кенг кўламада зарар етказиш мақсадида режалаштирилган компьютер хужуми.


Террорчилар интернетдан асосан алоқа, тарғибот ва ҳомийлардан маблағ йиғиш мақсадида фойдаланади. Бу борада улар анча илгариллаб кетишган. Чунки халқаро тармоқ террорчилар учун идеал муҳитдир, унга кириш қулай, анонимлиқни сақлаш жуда осон. Интернетни ҳеч ким бошқармайди ва назорат қилмайди. Унда ҳеч қандай қонунлар ҳам, полиция ҳам йўқ. 1998 йилда террористик деб тан олинган 30 та уюшманин ярмидан кўпи интернет сайтига эга бўлган бўлса, бугун деярли барча машҳур террористик гуруҳлар интернетда ўз сайтига эга. Бу сайтларда гуруҳ фаолиятига тегишли маълумотлар 40 дан ортиқ тилда ёритилади.

Террорчилар оммавий ахборот воситалари билан алоқа борасида ҳам интернетдан фойдаланишдади. Бунга лотин америкасининг террорчи гуруҳларини мисол қилиш мумкин. 1996 йили Перудага «Тупак Амару» гуруҳи япон элчихонасидаги тadbирга йиғилган кишиларни гаровга олади. Хужум амалга оширилиши билан гуруҳ аъзолари ўнлаб сайтлар орқали тарғибот ишларини бошлади. Журналистлар мазкур сайтлар орқали «Тупак Амару» етакчилари билан боғланиб, уларнинг чиқишларини намойиш қилдилар.

Колумбиянинг революцион қуроли кучлари (ФАРК) электрон почта орқали журналистлар билан доимий алоқадор.

Кўпчилик террорчи гуруҳлар интернетдан фақатгина тарғибот, алоқа учун эмас, балки хайрия пулларини йиғиш ва интернет магазинларини ташкил қилиш мақсадида ҳам фойдаланадилар. Масалан, «Ҳезболлох» гуруҳи интернет орқали китоб, плакат ва футболкаларини сотади.

Интернет тармоғига бомба ва қурол ясаш, терактларни амалга ошириш ва ҳоказоларни ўргатувчи маълумотларни жойлаштириш кибертерроризмнинг хавфи шаклидир. Анархистларни мазкур жараённинг асосчиси дейиш мумкин. 1950 йили ушбу гуруҳ аъзолари «Анархист китоби» деб номланган кўлланмани чоп этади. 1980 йилнинг охи-



ридан бошлаб у интернет тизимида фаол оммалаштирилади бошлади. Шунга ўхшаш бошқа маълумотларни интернет орқали тарқатаётган сайт эгалари кўлга олинганда кўпинча жазосиз қолимоқда. Уларни жазодан озод қилаётган ягона далил мазкур маълумотларнинг муаллифи улар эмаслиги ва сайт эгалари бу маълумотларни амалда кўллашга ҳеч қимни даъват қилма-

ганлигидир.

2004 йили компьютерларни ўрганиш саудиялик талаба суд курсидан жой олди. У экстремистик гуруҳларнинг гоёларини тарғиб қилиш ҳамда Чеченiston ва Фаластиндаги жиҳодда иштирок этмоқчи бўлган кишилар учун махсус сайтларни ташкиллаштиришда айбланаётган эди. Талабани айбдор деб топиш учун етарли маълумотлар йиғилмагани сабабли у оқланган.

1985 йилдан 1996 йилга қадар портловчи воситалар билан боғлиқ ўнлаб жиноят ишлари тергов қили-

ниши пайтида кўлга олинганлар портловчи моддалар билан ишлашни интернетдан ўрганганини айтишган. Бирок бундай маълумотларни фақат интернетдан эмас, балки бошқа жойдан ҳам қийинчиликсиз олиш мумкинлиги аён бўлди. «Вашингтон Пост» газетасининг бир сониди ироқлик жангарилар мионалар буйича тактик сабоқларни ўрганишда америкалик ҳарбийларнинг махсус кўлланмасидан фойдалангани ҳақидаги хабарни босиб чиқарган. Ушбу кўлланма 1980 йили чоп этилган бўлиб, бемалол сотувга чиқарилган. Кейинроқ маълум бўлишича, китобни Сааддам Хусайннинг агентлари сотиб олиб, араб тилига тўлиқ таржима қилишган.

Террорчиларнинг киберхуружлари кам учрайдиган ҳолат ёки бу ҳақда хали кўп нарса маълум эмас деб айтиш мумкин.

Умуман кибертерроризм атама-сини илк марта 1980 йили АҚШ хавфсизлик ва разведка институтининг катта илмий ходими Бэрри Коллин террорчиларнинг виртуал муҳитдаги ҳаракатини таърифлаш мақсадида келтирган. Уша пайтларда бу атамадан фақатгина келажакка оид таҳлил у тахминларда фойдаланиларди. Атама муаллифининг ўзи ҳам реал кибертерроризм ҳақида 21-асрнинг биринчи ўн йилликлариди гапир-иш мумкинлигини айтган. Бирок 1990 йилларга келиб илк киберхуружлар рўйхатга олинди. 1996 йилга келиб тадиқотчи Марк Поллит кибертерроризмнинг тўлиқ ва кўпчиликка тушунарли таърифини беради: «Халқаро гуруҳлар ёки махфий агентлар томонидан сиёсий сабабларга кўра инфоромациага, компьютер тизими, дастурлари ва маълумотлар базасига қарши амалга оширилган хужум».

Интернетдаги терроризмнинг хавфларидан яна бири бирон-бир давлатнинг муҳим тизимига террорчиларнинг хужум қилиб ёки ноқонуний кириб олишидир. Бундан ҳарбий, разведка, тиббий хизматлар, транспорт ва молиявий тизимлар зарар кўриши мумкин. Кибертерроризмнинг потенциал кўлами жуда даҳшатли. Сабаби, унинг оқибатида фақат бир мамлакатнинг фаолияти эмас, балки халқаро савдо тизими ва банк операциялари тўлиқ ишдан чиқиши мумкин.

Компютер орқали бу каби ҳаракатни амалга ошириш осон. Масалан, 1998 йили 12 ёшли хакер АҚШдаги катта сув омборларидан бирининг тўғонини бошқариш тизимини бузиб кирган ва у тўғонни очиб юбориш имконига эга бўлган. Агар у шу ишни қилганида санокли дақиқалар ичида омбор яқинида жойлашган иккита шахарнинг минглаб аҳолиси сув остида қоларди.

1997 йилда ўзларини «Қора йўлбарслар» деб номлаб, «Тамил Илам озодлиги йўлбарслари» террористик гуруҳи билан алоқа қилувчи

бадавлат кишиларнинг ҳимоясига эътиборни кучайтирди. 1980 йилларда келиб портловчи моддалар ёрдамида амалга оширилган бир неча йирик хуружлардан сўнг эътибор портловчи модда ва қуроласлаха сақланувчи муассасаларга қаратилди. Шу сабабли бугун аксарият давлатларнинг разведка ва контрразведкалари интернет тизимини қанчалки пухта назорат қилиши ҳақида бирон гап айтиш мушкул.

Психологик тўқнашув ва уруш буйича мутахассис Кевин О'Брай-


хакерлар гуруҳи Шри-Ланканин 30 дан ортиқ мамлакатда жойлашган дипломатик ваколатхоналарининг интернет сайтларига хужум уюштириб, жиддий зарар етказган.

1997 йили хитойлик хакер маълум бир вақтга Хитойнинг суный йўлдош билан алоқасини узиб қўйган. Кейинроқ у фарб мамлакатларининг Хитойга таъсири кучайиб бораётганидан норозилиги сабабли шундай қилганини айтган.

Баъзан махфий хизматларнинг

еннинг айтишича, бугунги кунда ҳеч бир давлатнинг органи интернетни назорат қилишга қодир эмас. Улар фақатгина интернетдан фойдаланувчиларни кузатиш, провайдерларнинг имкониятини чеклаши ёки маълум бир сайтларни ёпиб қўйиши мумкин ҳолос. Лекин интернет тармоғидан узатилаётган инфоромациа оқимининг мазмунини кузата олмайдилар.

АҚШдаги антитеррористик сиёсат халқаро институтининг таъкид-



ўзлари ҳам хакерларга мурожаат қилишига тўғри келади. UPI агентлигининг хабар қилишича, шундай хакерлардан бирининг ёрдамида бин Лодининг 1994 йилдан буён ўзи билан олиб юрадиган компьютерга киришга муассар бўлинган. Бин Лодин узок вақт мобайнида айнан шу компютериди интернет ва электрон почта орқали 50 дан ортиқ мамлакатдаги ҳамтовоклари билан алоқада бўлган ҳамда турли банкларга жойлаштирилган маблағини бошқариб турган. Хакер ушбу маълумотларни аниқлаганидан сўнг биринчи рақамли террорчининг банкдаги маблағлари ногла айланттирилган.

Инфоромациа мамлакат мудофаасининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Бирок бугунги кунда аксарият давлатларда инфоромациа билан ишлаш принциплари замон талабига жавоб бермайди.

Сўнги ўн йилликларда йирик давлатларнинг махсус хизматлари реактив тезликда фаолият юратадиган бўлди. Бирок террорчилар улардан ярим қадам илгариллаб кетганди. 1960 йилларда террорчилар томонидан йўловчи самолётларнинг гаровга олиниши кўпайиб кетиши сабабли махсус хизматлар ассосий эътиборни самолёт ўғирларига қаратди. 1970 йилларга келиб одам ўғирлаб, эвзизига катта маблағ талаб қилиш авж олди. Махсус хизмат ходимлари энди машҳур ва

лашча, бугунги кунда террорчилар компютер вируслари, «червлар», «троя отлари» ҳамда «мантиқий бомба»лар каби киберқуроқларни қўллашга қодирдир.

Аниқ айтиш мумкинки, ҳозир кибертерроризмнинг энг кўп кўзга ташланадиган шакли — йирик сайтларни бузиб кириб у ерга тарғибот ва қақирқ мазмунидидаги плакат ва суратларни жойлаштиришдир. Кибертерроризмнинг мазкур шаклида «Ал-қоида» ҳам фойдаланиб туради. Ироқда уруш бошлаганидан сўнг ўзларини «Ал-қоида альянс» деб атувчи хакерлар гуруҳи жаҳонда бир неча йирик сайтларни бузиб кирган. Аммо бу каби хужумлар оқибатида етказилган зарар айтарли катта эмас деб таъкидлайди мутахассислар.

Кибертерроризмнинг яқин келажакда авж олиши учун террористик гуруҳлар аъзолари орасида интернет билан ишловчи тажрибали ходимлар бўлиши керак. Бирок олий маълумотга эга ушбу касб эгаларига дунёнинг хоҳланган бурчагиди талаб катта ва уларга кўп давлатларда катта маблағ тўланади. Шу сабабли аксарият мутахассислар ҳаётини хавф остига қўйганда кўра бирон-бир давлатнинг йирик компаниясида катта даромад эвзизига ишлашни маъхул кўрадилар.

Шермат МҶМИНОВ
тайёрглади

ТО'УХАТ



ТАБАРРУК ЁШ

Прокуратура фахрийси Абдували Норқулов 80 ёшни қаршилади. Саксон йил. Айтишга осон. Аммо бу йиллар ортида қанчадан-қанча қувончу шодликка, машаққату меҳнатга йўғрилган бир инсон умри мўжассам.

Абдували Норқулов Самарқанд вилоят прокуратураси органларида 35 йилдан ортик фаолият кўрсатди.

Бу йиллар давомида у туман прокурорининг ёрдамчиси, туман ва шаҳар прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Пастдаргом ва Ургут туманлари прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Фидойилик, хизмат бурчига садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

Самарқанд вилоятида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни тарбиялашдаги меҳнатлари ҳар доим эътироф этиб келинган.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти ҳуқуқ-тимиз томонидан муносиб баҳолалиб, «Шуҳрат», «Ғалабанинг 50 йиллиги» медалларига сазовор бўлган.

А.Норқулов ва унинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонига тинчлик ва осейшталик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

КИТОВ ЈАВОНИНГИЗА

Инсон руҳий олами чексиз. Унинг моҳиятига етиш ҳам чексизлик нуқтаси каби олис.

Ҳар бир соҳанинг илмий, ижтимоий ва руҳий жи-



Хуқуқшунослар учун қўлланма

ҳатлари бўлгани каби хуқуқшуносликнинг ҳам ўзига хос психологик томонлари мавжуд.

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан чоп этилган «Хуқуқшунослик фаолияти психологияси» услубий қўлланмасида шу соҳага оид психологик жараёнлар таҳлил қилинган. Қўлланмада муаллифлар Баҳриддин Умаров ва Умарали Қодировларнинг жаҳон тажрибаларига таяниб, шунингдек миллий менталитетимиздан келиб чиқиб тайёрланган ҳуқуқий-психологик тавсиялари баён этилган.

Қўлланмадан жинсий ишни очишда гумдор, гувоҳ, жабрланувчи ва айбдорлар билан ишлаш психологияси, воқеа жойини қўздан кечирishi, юзлаштириш, тинтув ҳамда хибсга олиш психологияси сингари бир неча бўлимлар жой олган.

Қўлланма амалиётчи ва ҳуқуқшунос психологлар ҳамда мазкур соҳага қизиқувчиларга мўлжалланган.

Хуршид БЕКНАЗАРОВ

БУ ҚИЗИҚ

РЕКЛАМА ДЕГАНИ БУНАҚА БЎПТИ-ДА!

Айтишларича, собик совет даврида озик-овқат дўконларидан бирида улкан плакат осилган, унда эса: «Ўғлим ичгин томат шарбатин, бўласан кучли, билгин лаззатин!» деб ёзилган экан. Унинг тағига қайсидир хазилкаш «ичмасанг сен шарбатдан, бошинг чикмас гурбатдан!» деб қўшиб қўйибди. Уша дўконда томат шарбати роса кўп сотилар экан.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида рекламанинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Тарихда бир қанча муваффақиятли рекламалар бўлган. Ҳозир шулардан бир нечасини эслатиб ўтмоқчимиз.

ҚАТДАН ОЛАДИГИ РЕКЛАМА

1910 йилда осишга ҳукм қилинган жиноятчи дорга чиқар экан, овозининг борича: «Ван Гуттен қақолариши харид қилинг!» дея қичқирди. Кейинга кунийёқ бу фамилия газета мақолаларидан жой олди ва Ван Гуттенинг қақолари талаш бўлиб кетди.

НАПОЛЕОННИНГ ҲИЙЛАСИ

1797 йилда Наполеон Бонапарт ўз валютасининг ажойиб реклама кампаниясини амалга оширди: унинг айтишича, гўёки 5 франкли тангалардан бирида 1 миллион франкли банк чеки босилган...

Француз банки ҳозир ҳам ўша пулни тўлаш ниятидан воз кечмаган. Аммо чекли танга ҳалигача топилгани йўқ.

КАРТОШКА «ҚҰРИҚЧИЛАРИ»

Янги озик-овқат маҳсулоти — картошкага бўлган салбий қарашларни Франция министрларидан бири Торго картошка экилган майдонлар атрофида курали аскарларни қўйиб билан йўқ қилди.

«Қўриқлашяаптими, демак қимматбаҳо экан», деб ўйлади француз халқи ва тез орада картошка «иккинчи нон» даражасига етди.

ГОЛЛИВУДНИНГ СОТНАШИ

Ер эгаси Харвей Вилнокс Жанубий Калифорниядаги ерларини сотаман деб роса овора бўлди. Агар унинг хотини ерга мос ном топиб бермаганда балки сота олмадиси ҳам.

Харвейнинг тadbirkor умр йўлдоши ерга «Голливуд» - «Муқаддас ўрмон» деб ном беришни тақлиф қилди. Бир неча кунга қолмай ернинг ҳаммаси сотилиб кетди.

ДИСНЕЙ ШУҲРАТНИНГ СИРИ

Улат Дисней рангли плейнқачи ижобий томонларини билиб, ўша пайтдаги рангли плейнка ишлаб чиқарадиган ягона компания билан унинг барча маҳсулотини сотиб олишга шартнома имзолади. Оқибатда бир неча йилгача мультфильм ишлаб чиқарувчи ягона компанияга айланди.

Мотоциклар ишлаб чиқарувчи «Харлей Дэвидсон» компанияси эса «Харлей» татуировкаси туширилган миқозларга мотоциклар арзон нархда сотилишини маълум қилган.

ФИЛЬМАЛАРДАГИ РЕКЛАМА

BMW концерни Жеймс Бонд ҳақидаги фильмда ўз маҳсулотини реклама қилгач, 300 миллион долларга шартнома тузди. Omega Seamaster соатларини ишлаб чиқарувчи фирма эса 900 физ даромад олди. «Асосий инстинкт» фильмида «Жек Даниэлс» вискилари кўрсатилиши учун «Seagram s» компанияси 1,2 миллион доллар тўлади. Сотувдан эса 5 марта кўп фойда кўрди.

Оддий реклама: кўп рекламаларда салбий ҳолда кўрсатиладиган «оддий порошук» номини ишлатиб шу маҳсулот ишлаб чиқарувчи компания катта фойда кўрмоқда.

Соҳиба ХАЙИТБЕКОВА тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси


Матлуба НИҒМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси

Александр КИМнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изхор қилади.



Зомин манзаралари

HANGOMA

БЕЗОРИ КАМПИРЛАР

Кексалик жуда ажойиб-да, зериккандаридан нималаридир ўйлаб толиб юришади. Бизнинг қахрамонларимиз ҳам икки қўшни кампирлар — Оля хола ва Надя бувилар. Улар жуда қизикқон, эринмаган кампирлар. Доим бир нарсаларни бошлаб юргани-юрган. Хуллас, бир куни икки кампир дугоналар «ўлимимиз яқин қолди» деб, бу ҳақда гаплашиб ўтиришибди-да, ўзларининг тобутда қандай ётишлари билан қизикиб қолишди. Энди кекса булсалар ҳам аёлликларига боришади-да!

Шундай қилиб, буни суратда кўриш мумкинлигини ўйлаб қолишди. Эринмасдан телефон қилиб сураткаш ҳам чақиритди. Бунинг «тажриба» учун эканлигини сураткашга

билдиришмади. Навбат билан биттаси тобутда ётиб турадиган, бошқаси сураткашни олиб кирадиган бўлди. Улар сураткаш келгунича кафанларига таёёр қилишди. Ниҳоят, сураткаш келди.

Келишилганидек, аввал Оля хола тобутда ўлгандек ётарди. Сураткаш Надя бувига дугонасининг ўлими учун таъзия изхор қилди-ю, Оля хола ни тобутти билан бирга суратга олди. Сўнг хизмат ҳақини сўради. Шу пайт Надя буви пулни олдиндан тайёрлаб қўймаганликларини эслаб қолди:

— Ўғлим, озгина кутиб тур, мен пулимини олиб келай, — дея уйига чолди.

Сураткаш эса буви келгунича бамайлихотир нарсаларини йиғиштира бошлади. Оля хола эса тобутда

ётавериб зерикиб кетди. Яна қизикқонлиги ҳам бор эмасми, хаёлига бир савол келиб қолди. Бу вақтда сураткаш, «тобут яқини ясалган экан» деб кўраётганди. Бир пайт «ўлик» бошини кўтариб савол берди:

— Суратлар қачон тайёр бўлади?

Воқеанинг аввалидан беҳабар сураткашнинг ўтақаси ёрилиб шу захотиёқ хушидан кетди. Кампирларни бўлса, безорилиги учун суд қилишди. Бу тиниб-тинчимас кампирларга судья битта катта яхшилик қилди: уларни бошқа «шўхлик» қилмаслик шарти билан жазодан озод қилди. Ана шунақа!

Фарҳод ПИРМОҢОВ тайёрлади

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxollq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Abdualim XOLMAHMATOV, Pirmiqol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'rib chiqilishi bo'yicha), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muxalliflarning fikrlari tahrirdan firqalinishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatkishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 561. 14584 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahitlandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: J.MAKSUMOV
Mushahhirlar: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonadan: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41 uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 '7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda